

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022 **2022**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

# 31

YOSHDA

1 SENTYABR – MUSTAQILLIK KUNI



## SENTYABR

№44



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)



[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
9-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-9**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 44-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 41 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Иброҳимов Ёрқинжон Тўлқин ўғли</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ ҲОСИЛАВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРИ БОЗОРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....	7
<b>2. Боймирзаев Исломбек Каримжон ўғли</b> ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУҚУҚИЙ-МЕЪЕРИЙ АСОСЛАРИ .....	10
<b>3. Тоштанов Улуғбек Исломжон ўғли</b> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИ.....	12
<b>4. Farxodjonova E'zoza Nodir qizi, Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li</b> AHOLINI ISH BILAN BANDLIGINING IJTIMOIY-IQTISODIY МОННУЯТИ.....	14
<b>5. Farxodjonova E'zoza Nodir qizi, Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li</b> JAHON IQTISODIYOTINING GLOBALLASHUVIDA XORIJUY INVESTITSIYALARNING TUTGAN O'RNI.....	16
<b>6. Тўлаков Улуғбек Тошмаматович</b> КЎЧМАС МУЛК СОЛИФИННИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....	18
<b>7. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич</b> БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИ .....	21
<b>8. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич</b> ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ФАЗНА ИЖРОСИНИ ТА- КОМИЛЛАШТИРИШ .....	24
<b>9. Эргашев Уйғун Жабборович</b> СОЛИҚ НАЗОРАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....	26
<b>10. Эргашев Уйғун Жабборович</b> ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ЖИЛОВЛАШДА СОЛИҚ СИЁСАТИ МЕХАНИЗМЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ .....	28
<b>11. Пардаев Файзулло Гаффорович</b> ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКИЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ .....	31
<b>12. Зарипова Муқаддас Джумаёзовна</b> ОЛИЙ ТАҶЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎЗЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИ- НИ МАРКОВ ЗАНЖИРЛАРИ АСОСИДА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ .....	34



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ ҲОСИЛАВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРИ БОЗОРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Иброҳимов Ёрқинжон Тўлқин ўғли,**  
**“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ**  
**бўлим бошлиғи ўринбосари**  
**Телефон:+998973337217**  
**yorkinjonibrokhimov@gmail.com**

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада, молиявий ҳосилавий инструментлари бозорини мамлакатимизда ташкил қилиш бўйича илфор хориж тажрибаси ўрганилган, фьючерс контрактлари бўйича стандарлаштирилган шартлар жамланган ҳолда таҳлилий ўрганишлар амалга оширилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Молиявий ҳосилавий инструмент, опцион, фьючерс, своп, форвард, спекуляция, хеджирлаш

Бугунги кунда, мамлакатимизда турли соҳалар қатори молия ва капитал бозори ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Молиявий биржя ва биржадан ташқари бозорда молиявий инструментларининг турли хиллиги билан молиявий ҳосилавий инструментлар бозори ажралиб туради. Молиявий ҳосилавий инструментлар инвесторларга ўзларининг кимматли қоғозлар портфелини диверсификация қилишга, маълум бир рискларни хеджирлашга имкон беради. Жаҳон иқтисодиётига тобора интеграциялашиб бораётган мамлакатимизнинг ташки савдо айланмаси кўрсаткичларини таҳлил қиласиган бўлсақ, унинг ўтган йилларга нисбатан ортиб, экспорт-импорт операциялари жадал суръатларда ўсиб бораётганлигига гувоҳ бўлишимиз. Ўзбекистон ташки савдо айланмаси ҳозирча пандемияга бўлган даражага етгани йўқ, бироқ ўсишда давом этмоқда.

Ҳозирги кунга қадар, молиявий ҳосилавий инструментлар бозорини ривожлантириш, уни молия бозоридаги салмоғини янада ошириш, уни турли механизмлари орқали ривожланишини рағбатлантириш борасида қатор олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, и.ф.н. доцент С.В. Матросов фикрича, молиявий ҳосилавий инструмент деб шартномада белгиланган муддатда ва нархда маълум бир активни сотиб олиш(сотиш) шартномаси тушунилади.[1]

И.ф.н. А.Р.Махмутов фикрича, молиявий ҳосилавий инструментлар рискларни тақсимлайди ва ҳар бир актив бўйича дефолт юз бериш эҳтимолини алоҳида кўрсатиб беради, бироқ унинг ўзи ҳам тизимли рисклар вужудга келтириши мумкин.[2]

**1-жадвал**

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ташки савдо айланмаси<sup>1</sup>**

Йиллар	2017 йил млн. АҚШ долл	2018 йил млн. АҚШ долл	2019 йил млн. АҚШ долл	2020 йил млн. АҚШ долл	2021 йил млн. АҚШ долл
Ташки савдо айланмаси	26 907,00	33 809,10	42 200,00	36 300,00	42 100,00
Экспорт	13 893,60	14 253,90	17 900,00	15 200,00	16 600,00
Импорт	13 013,40	19 555,20	24 300,00	21 100,00	25 460,00

Ўзбекистон ташки савдо айланмаси ўсиши натижаси мамлакатимизда молия бозорида молиявий ҳосилавий инструментлар бозорини жорий қилиш долзарб масалалардан бири эканлигини намоён қиласи. Молиявий ҳосилавий инструментлардан фойдаланган ҳолда

<sup>1</sup> Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектлари ўзларининг экспорт-импорт операциялари бўйича валюта хатарларини хеджирлаш имкониятига эга бўладилар.

Молиявий ҳосилавий инструмент бу бир ёки бир нечта базавий активдан келиб чиқиб нархи шаклланадиган қимматли қофоз ҳисобланади. Унинг нархи базавий активнинг ўзгариши билан белгиланади, базавий активлар сифатида. Илгор хорижий мамлакатларнинг тажрибаларига асосан, молиявий ҳосилавий инструментлари бозори таркибига молиявий ҳосилавий инструментларнинг асосий тўртта тури киради, улар опцион, фьючерс, форвард ва валютавий своп.

Форвард контрактидан фьючерс контрактининг асосий фарқи унинг биржада савдо қилиниши, шартларининг стандартлашганлиги ҳамда томонлар позициясининг (фойда ва зарар) доимий қайта баҳоланиши (Mark-to-Market принципи) натижасида юзага келиши мумкин бўлган рискларни биржанинг марказий контрагент вазифасини бажариши орқали пасайтирилиши билан изоҳланади.

Валюта фьючерси контрактини олди-сотди қилишдан кўзланган мақсад:

- Валюта рискларини хеджирлаш;
- Спекуляция.

Хорижий ривожланган мамлакатлар тажрибасида фьючерс контрактининг стандартлаштирилган шартлари ҳар бир биржа томонидан мустақил ишлаб чиқилади, ҳамда иккιёқлама узлуксиз аукцион савдоларига чиқарилади. Валюта фьючерси контрактлари бўйича хорижий биржалар томонидан ишлаб чиқилган шартларни қуйидаги 2-жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

## 2-жадвал

### Хорижий мамлакатларнинг биржаларида валюта фьючерси контрактларининг шартлари<sup>1</sup>

	Москва биржаси	Қозогистон фонд биржаси	Беларус валюта-фонд биржаси
<b>Инструмент</b>	долл./рубль фьючерси	долл./тенге фьючерси	долл./бел. рубль фьючерси
<b>Жорий қилинган йил</b>	2002 йил	1997 йил	2004 йил
<b>Базавий актив</b>	АҚШ долл.	АҚШ долл.	АҚШ долл.
<b>Базавий актив миқдори</b>	1,000	1,000	1,000
<b>Контракт тuri</b>	ҳисоб-китобли	ҳисоб-китобли	ҳисоб-китобли
<b>Муддат</b>	3 ойлик	1 ҳафталик ва 1, 3, 6 ойлик	3 ойлик
<b>Нархнинг мин. ўзгариши</b>	1 рубль	0.01 тенге	0,0001 бел. рубль
<b>Ўзгаришнинг мин. қиймати</b>	1 рубль	10 тенге	0.1 бел. рубль

Валюта фьючерс контрактлари бўйича позиция очиш(харид/сотув) учун савдо ҳисобрақамида фақат бошланғич маржага тенг бўлган сумма бўлиши етарли ва бошланғич маржа суммаси базавий актив нархидан бир неча баравар арzon бўлади.

Мамлакатимизда молиявий ҳосилавий инструментлар бозорини жорий қилиниши иқтисодиётимизга ўзининг кўплаб ижобий таъсирини кўрсатишини инобатга олган ҳолда молиявий ҳосилавий инструментлар бўйича савдоларни стандартлаштирилган шартлар асосида ташкил қилиниши, ҳисоб-китобли валюта фьючерслари жорий қилиниши, битим суммаларидан келиб чиқиб ҳисобланадиган бошланғич маржа ва етарлича маржа суммаларини битим тарафларининг ҳисобрақамларидан ундириш механизmlарини жорий қилиш максадга мувофиқ.

<sup>1</sup> Илгор хорижий мамлакатлар биржаларининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207 сонли фармони
2. Матросов С.В. Возможности применения инструментов мирового рынка деривативов на современном этапе его эволюции //Вестник Финансового университета. 2011
3. Махмутов А.Р. Деривативы и их роль на финансовом рынке//Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2009.
4. <https://statistics.world-exchanges.org/> Жаҳон фонд биржалари федерациясининг расмий сайти
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти



**ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ**

**Боймирзаев Исломбек Каримжон ўғли**

Банк-молия академияси магистранти

Islombekboymirzaev3@mail.com

Tel +998 88 230 50 20

**Аннотация.** Мазкур тезисда Республикаизда банк аудитини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ўрганилиб, банк аудитини ўтказишни янада ривожлантириш борасида ва уни жаҳон андозалари талабларига мос равища ўтказиш борасида ишлар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** *ички аудит, банк кенгаши, аудитор, трансформация, чики назорат, молиявий натижалар, Аудитнинг Халқаро Стандартлари*

Ички аудит банкларда ташкил қилинган ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган камчилик ва муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича тегишли маслаҳатлар бериш, ички меъёрий ҳужжатларга мос келишини ва келгуси истиқболларни белгилаш имкониятларини кўрсатишидир.

Бугунги кунда республика тижорат банкларида ички аудит фаолияти умум кабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, ушбу жараённинг шаклланишида масъул давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, Ўзбекистон аудиторлар палатаси, Ўзбекистон профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси вакилларининг фаол иштирок этишлари аудитнинг жаҳон андозалари талаблари асосида ривожланишига ижобий туртки бўлмокда.<sup>1</sup>

Республикаизда ҳозирги даврда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи идоралар ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, давлат ва жамоат аудиторлик ташкилотларининг роли ва функцияларини аниқлаш жараёни кечмоқда. Бу аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тизимининг юзага келишига омил бўлмоқда. Мазкур тизим ўзининг ахамиятига кўра бир неча поғонадан иборат бўлиб, биз уларни 1-жадвал орқали кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тизимининг иккинчи поғонаси ҳужжатларида аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг бозор субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган умумий масалалар низом кўринишида белгилаб берилган.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг учинчи поғонасини аудиторлик фаолияти андозалари ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари молия-хўжалик фаолиятининг барча субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бир хил талқин қилинувчи аудит меъёрлари ва улардан фойдаланиш услубларини қамраб олишдан иборатдир.

<sup>1</sup> Р.Д.Дўсмуратов. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги; Тошкент Давлат аграр ун-ти. -Т: “Молия” нашриёти, 2007. -276 б.;



**Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий базаси<sup>1</sup>**

Ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар ва нормалар	Мақсадлари	Асослари
Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонун	Молиявий иқтисодиёт тизимида аудитнинг ахамияти ва вазифаларини белгилаб беради	2020 йилда қабул қилинган ва 2021 йил 5 февралда Сенат томонидан маъқулланган
Қонуний ва меъёрий хужжатлар	Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш учун хизмат киласи	Аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган лицензия бериш ва сертификациялаш бўйича умумий меъёрий хужжатлар қабул қилинган
Аудиторлик фаолияти андозалари	Аудиторлик фирмалари томонидан риоя қилиниши лозим бўлган талабларни белгилайди	Халқаро аудиторлик андозалари асосида аудитнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилган
Ички аудит андозалари	Ташкилот ва корхоналарда, банкларда ички аудит механизмини белгилайди	Марказий банк томонидан банкларнинг ички аудит хизмати учун қоидалар ишлаб чиқилган

Мамлакатимизда шаклланган ва ривожланаётган аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш тизимини учта поғонага бўлиш мумкин. Ушбу тизимнинг биринчи (юқори) поғонасида Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) ҳамда мазкур Қонунни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларинитурари.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Р.Д.Дўсмуратов. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги; Тошкент Давлат аграр унти. -Т: “Молия” нашриёти, 2007. -276 б.;
2. Н.Ф.Каримов. Тижорат банкларида ички аудит : Монография. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2006. -262 б.

1 Н.Ф.Каримов. Тижорат банкларида ички аудит : Монография. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2006. -262 б.



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИ

Тоштанов Улугбек Исломжон ўғли  
Банк-молия академияси магистранти  
ulugbektoshtanov2020@mail.com  
Tel +99894 907-66-77

**Аннотация.** Мазкур тезисда тижорат банклари ликвидлилигини тартибга солишнинг энг муҳим тадбирларидан бири сифатида кредитларнинг қайтувчанлигини ошириш, уларнинг рискини бошқаришнинг муҳим ва самарали йўллари тўғрисида муаллифнинг фикр ҳамда мулоҳазалари қайд этилган.

**Калит сўзлар:** кредит, кредит портфели, ликвидлилик, риск, кредит қайтмаслигини риски, скоринг тизими, тўлов лаёқати

Тижорат банклари ликвидлилигини тартибга солиш амалиётининг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги уларнинг ресурсларини тўғри ташкил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг депозит ва кредитларини шакллантириш, бошқариш, уни диверсификация қилиш соҳасида қатор ечишмаган муаммолар мавжуд. Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредитлаш амалиётига, уларни кредитнинг сифатига, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Банклар фаодиятида мижозларни кредитлаш амалиёти ва унинг банк ликвидлилигига таъсирининг учун кредитлаш сиёсатини тўғри ташкил қилиш банкларни самарали ва барқарор фалолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.<sup>1</sup> Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, банкларнинг кредитлаш амалиёти ва унинг сифатини назорат қилиб бориш кредит рискларини камайтиришнинг омили ва тижорат банкларининг самарали фаолиятининг гаровидир.

Тижорат банкларида кредитлаш амалиётининг муддатларига тўхталиб ўтадиган бўлса, маълумки, бугунги кунда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитларга нисбатан, қисқа муддатли кредитлар беришни афзал кўришмокда. Фикримизча, бунинг қуйидагича сабаблари бор:

- аввало банкларда аҳоли омонатлари ва корхоналар узоқ муддатли депозитларининг камлиги сабабли, асосий кредит маблағлари манбанини қисқа муддатли омонатлар ташкил қилиши;
- қисқа муддатли кредитлар ва улардан ундириладиган фоизларнинг тезроқ банкка келиб тушиши. Бу ҳолат, бизнингча, қисқа муддатли кредит бериш орқали тижорат банкларининг раҳбарияти банкнинг узоқ келажагини эмас, балки тезроқ фойда олишини, яъни жорий фаолиятидан келиб чиқаётганликларини кўрсатади;
- қисқа муддатли кредитлардан олинадиган фоиз даражаси узоқ муддатлига нисбатан анчагина юқорилиги;
- қисқа муддатли кредит беришда бизнес-режани ва умуман мижознинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш осон ва қулай. Бу ҳолат эса, тижорат банкларида лойиҳавий молиялаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлигидан, уларда таҳлилий – текшириш гурухининг фаолияти ёмон аҳволда эканлигидан ёки бундай гурухларнинг умуман йўқлигидандир.

Биз банк кредит портфели диверсификациялашга кўпроқ эътибор бераяётганимиз сабаби, диверсификация нафақат банкларнинг кредит портфели ёки кредитлаш амалиётида, балки тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларида ҳам жуда муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, ҳар битта фаолият турида ушбу диверсификациялаш шартларидан фойдаланилса рискларни камайиши фаолият турларини кўпайишига хизмат қиласи деб ҳисоблаймиз.

Рискни камайтириш мақсадида инвестиция ёки бошқа маблағларни бир неча йўналишлар

<sup>1</sup> Абдусаломова О.Ф. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – Б. 17.



бўйича тақсимлаб чиқиши деб таърифлаш диверсификация моҳиятини тўлиқ бўлмасада, бошқа келтирилган фикрларга нисбатан аниқроқ ифодалаши мумкин.<sup>1</sup>

Банклар учун кредит портфелини диверсификациялаш жуда ҳам осон. Юқорида таъкидлаганимиздек кредитни кам суммада турли соҳаларга (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, бизнес, хорижий мижозларга) кредитлар беришга эришиш лозим.

Шундай қилиб кредит портфелини диверсификация қилиш усули тўрт асосий хусусиятни ўзида ифода қилишни эътиборга олиш зарур. Булар:

- биринчидан, кредитни кўп сонли, турли тармоқка таалуқли тадбиркорлик субъектлари ўртасида тақсимлаш;
- иккинчидан, кредитни кам миқдорда бериш ва бир тармоқдан кўрилиши мумкин бўлган зарарни бошқа тармоқларидан келадиган фойда орқали қоплаш;
- учинчидан, кредитнинг умумий ҳажмини сақлаб турган ҳолда қисқа муддатларга кредит бериш;
- тўртинчидан, кредитларнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.— Т.: Молия, 2002 й.— 304 б.
2. Абдусаломова О.Ф. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – Б. 17.

<sup>1</sup> Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.— Т.: Молия, 2002 й.— 304 б.



AHOLINI ISH BILAN BANDLIGINING IJTIMOIY-IQTISODIY MOHIYATI

Faxrodjonova E'zoza Nodir qizi

Jizzax politexnika instituti 3 - bosqich talabasi

Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti

3 - bosqich talabasi

Aholini ish bilan ta'minlash inson ijtimoiy rivojlanishining eng muhim jihatlaridan biri bo'lib, u mehnat masalalari bilan bog'liq muammolarni hamda mehnatga bo'lgan taklif va talablarni qondirish yo'llarini ochib beradi. Ish bilan bandlik kishilarning ish joylari qayerdaligidan qat'i nazar, ijtimoiy foydali mehnatda qatnashish yuzasidan o'zaro kirishadigan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlardir. Ish bilan bandlik munosabatlari, mehnatga layoqatli kishilarning qanchasi va qay darajada ijtimoiy foydali mehnatda qatnashishini ko'rsatadigan ijtimoiy-iqtisodiy ko'rsat-kichdir. Aholining ish bilan bandlik toifasi faqat iqtisodiy komponentlar bilan cheklanmaydi. Ish bilan bandlik, avvalo, ijtimoiy munosabatlardir. Shu bois qandaydir azaliy, bevosita yuzaga kelgan hodisa sifatidagi ijtimoiylik uning asosiy xususiyati hisoblanadi. Ish bilan bandlik ijtimoiy-iqtisodiy hodisa sifatida namoyon bo'lar ekan, uni quyidagicha ta'riflash mumkin. Ish bilan bandlik – fuqarolarning qonun hujjalariiga zid kelmaydigan o'z shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish bilan bog'liq, ularga ish haqi yoki mehnat daromadi keltiradigan faoliyatdir. Iqtisodiyotning sifat jihatidan oldingisidan farq qiluvchi har bir rivojlanish bosqichi uchun ish bilan ta'minlashning muayyan modeli mos keladi, chunki uning asosiy xususiyatlari jamiyat faoliyatining muhim jarayonlarini ochib beradi. Tajriba shuni ko'rsatadiki, jamiyat muammolari ichida insonning shaxsi va talab ehtiyojlarini hisobga olmasdan hal qilishga urinish omadsizlikka mahkum etadi. Shuning uchun avvallari olimlar ish bilan bandlik muammolarini ko'rib chiqayotganlarida asosan, uning iqtisodiy jihatlariga e'tibor bergan bo'lsalar, keyingi paytda ish bilan bandlikning ijtimoiy jihatlari to'g'risida tobora ko'proq gapirilayotganligi beziz emas. Aholining ish bilan bandlik kontseptsiyasi jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining muayyan bosqichidagi ish bilan ta'minlashning xususiyatini ochib beradigan qarashlar, tasavvurlar tizimidir. Bunday nazariy tushunchalar markaziga uni rivojlantirishning ijtimoiy bozor tipidagi davlat uchun xos bo'lgan ob'ektiv jarayonlarini hisobga oluvchi ish bilan ta'minlashning shakllanishi qo'yiladi. Bu o'z navbatida muayyan davr mobaynidagi qo'yilgan maqsadlarga erishishning real imkoniyatlari bilan cheklanmaydi. Ish bilan bandlik ijtimoiy rivojlanishning har bir bosqichiga xos turli ko'rinish va shakkarda namoyon bo'ladi o'ziga xos hodisadir. Ibtidoiy jamoa tuzumi jamiyat a'zolarining ish bilan to'liq bandligiga asoslangan edi. Uning boisi ishlab chiqaruvchi kuchlarning past darajada rivojlanganligida edi. Quldarlik va feudal formatsiyalar asosan qullar va krepostnoylarning ish bilan majburiy bandligiga asoslangan bo'lib, quldarlar va krepostnoylar ishlamasdan hayot kechirar edilar. Doirasida inson huquqiy jihatdan erkin bo'lgan va yollanma xodim sifatida namoyon bo'ladi bozor iqtisodiyotiga ega bo'lgan kapitalistik tuzumda ish bilan band bo'limgan aholi mavjud bo'lishi muqarrardir. Bunday ish bilan band bo'lmaslik tabiiy va noiloj ishsizlik shaklida bo'ladi. Sotsializm sharoitida 21 to'liq («yalpi») ish bilan bandlik e'lon qilingan bo'lib, bu esa kishilarning ijtimoiy ishlab chiqarishda qatnashishga majburligi bilan mustahkamlangan edi. Hozirgi vaqtda ish bilan band aholiga barcha yollanib ishlayotgan xodimlar, o'quvchilar, harbiy xizmatchilar bilan bir qatorda o'zini o'zi mustaqil ravishda ish bilan ta'minlaydigan fuqarolar va xususiy tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanadigan fuqarolar kiritilgan. Aholining ish bilan bandlari:

a) pul bilan to'lanadigan yoki natura holidagi haq evaziga yollanib, shuningdek o'z faoliyati evaziga qancha muddat haq yoki daromad olishidan qat'i nazar, foya yoki oilaviy daromad olish uchun yollanmasdan haftasiga kamida 2 soat ish bajarganlar;

b) kasalligi yoki jarohatlanganligi tufayli, bemorlarga qarab turuvchilar; yillik mehnat ta'ili yoki dam olish kunlarida, o'z ish joyidan tashqarida ta'lim olganlar; ma'muriyat tashabbusi bilan ta'moti saqlab qolning yoki saqlanmagan holda mehnat ta'tilida bo'lgan va boshqa shunga o'xshash sabablar bilan vaqtincha ishda bo'limganlar;

v) oilaviy yoki xususiy kichik korxonada haq olmasdan ish bajargan shaxslardan tashkil topadi.

Ish bilan band bo'lgan aholiga ikki guruh fuqarolar kiradi:

1. Ko'ngilli ravishda ish bilan band bo'limgan, er-xotindan birining, ota-onasi va boshqalarning



mablag’lari hisobiga yashaydigan fuqarolar.

2. Noilojlikdan ish bilan band bo’lmagan xodimlar kiradi.

Ular, o’z navbatida:

a) mustaqil ravishda ish qidirayotganlar;

b) ish bilan band etishga ko’maklashuvchi Markazlar yordamida ish qidirayotgan va rasmiy maqomga ega bo’lgan holda ishsizlik yuzasidan nafaqa oladigan ishsiz fuqarolarni o’z ichiga oladi.

«Aholini ish bilan ta’minlash to’g’risida»gi Qonuni 22.10.2019 yilda qabul qilingan. Qonunda aholining ish bilan bandligining asosiy printsiplari ifodalab berilgan, bu tamoyillar ish bilan bandlik munosabatlariga bozor iqtisodiyoti xususiyatidan kelib chiqadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, jamiyatning ijtimoiy yangilanishiga yo’naltirilgan qator tamoyil va mezonlarni sanab o’tamiz:

1. Bozor xo’jaligini yaratish - maqsad emas, balki har bir fuqaroga loyiq hayotni ta’minlash vositasi. Shuning uchun, bozor mexanizmlarini kiritib, davlat bиринчи navbatda ijtimoiy ustuvor yo’nalishlarini aniqlab, aholini ijtimoiy himoyalash chora-tadbirlarini ta’minlashi zarur.

2. Jamiyatni ijtimoiy sog’lomlashtirishga aholini ijti-moiy himoyalash tizim va tamoyillarini o’zgartirish orqali erishish mumkin. Uning amalga oshirilishi jamiyatning, shuningdek, barcha ijtimoiy - siyosiy institatlarning nazoratida bo’lishi kerak.

3. Ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish uchun mavjud resurs-larni ekspert baholash mexanizm va mezonlarini ishlab chiqish zarur.

4. Iqtisodiyot nafaqat bevosita ishlab chiqarish zaxira-lariga, balki aholining ko’pga kechiktirilgan ijtimoiy ehtiyoj-lariga «qaratilishi» zarur.

5. Ijtimoiy ustuvor yo’nalishlar byudjet, soliq, investition siyosat asosida bo’lishi zarur.

6. Eng kam yashash darajasi, «iste’mol savatini ta’minlash» - davlat siyosatining eng asosiy yo’nalishlaridan biri.

7. Davlat darajasida xususiy lashtirish siyosatiga ijti-moiy-iqtisodiy baho berish, uni davlat mulkining ustuvor manfaatlari nuqtai-nazaridan o’tkazilishini ta’minlash muhim.

8. Regional siyosatning yo’nalishlaridan biri-aholining bandlik tizimini yaratish, ishlovchilarning malakasini oshirish va yangi ish joylarini yaratish lozimligidir.

9. Ijtimoiy sohaning ahvoli ko’pgina omillarga bog’liq. Ulardan biriga rioya qilmaslik shakllanayotgan jamiyat farovon-ligi tizimini buzadi.

Umumdavlat va regional ijtimoiy siyosatni ishlab chiqish va amalga oshirishda yuqorida sanab o’tilgan va boshqa omillarning hisobi - aholining barcha qatlamlari manfaatlarini ularni turli mulk shakllariga munosabatini hisobga olgan holdagi asosiy sharti. Bunda davlat hokimiyyat organlari barcha mulk shakllarining rivojlanishi uchun eng yaxshi sharoitlarni yaratishlari kerak.

### Adabiyotlar

1. S.Sayfullayev, N.Komilova. Sanoat iqtisodiyoti. Toshkent, “G’afur G’ulom” nashri. 2019-yil. 123-128-betlar.
2. Bozorov B.U., Jalolov K.M. Industrial va innovatsion iqtisodiyot. Samarqand Davlat Universiteti, 2019-yil. 56-60-betlar.
3. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)
4. [www.uzdenemetr.com](http://www.uzdenemetr.com)



JAHON IQTISODIYOTINING GLOBALLASHUVIDA XORIJIV  
INVESTITSIYALARING TUTGAN O'RNI

Farxodjonova E'zoza Nodir qizi  
Jizzax politexnika instituti 3 - bosqich talabasi  
Ortiqov Niyat Ne'matilla o'g'li  
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti  
3 - bosqich talabasi

**Annotatsiya** Jahon iqtisodiyotining jadal rivojlantirish va ishlab chiqarishda innovatsiyalarni joriy etish hamda mamlakatimiz iqtisodiyotida makroiqtisodiy barqarorlik va iqtisodiy o'sishning yuqori sur'atlarini ta'minlashda investitsiyalar, shu jumladan, xorijiy investitsiyalar muhim o'rinni tutadi. investisiyalarga e'tiborning kuchayishi bugungi kunga kelib, mamlakatimizdagi investision faoliyat rivojlantirilishiga olib keldi.

**Kalit so'zlar:** Jahon iqtisodiyoti, investitsion faollik, iqtisodiy va siyosiy, AQSH, G'arbdagi demokratik davlatlar



Investitsiya faoliyatini moliyalashtirish bir qancha manbalardan hosil bo'ladi. Hozirgi kunda Respublikamizda investitsiya faoliyatini moliyalashtirishning quyidagi manbalari mavjuddir:

Rivojlangan mamlakatlar tajribasidan ma'lumki, xorij kapitali, xususan, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investisiyalarni jalb etish investisiyalashda eng samarali vosita hisoblanadi. Aynan xorijiy investisiyalar mamlakatda iqtisodiy va texnologik jarayonini harakatlantiruvchi omili bo'lib xizmat qiladi.

Globallashuv jarayoniga qo'shilish - bu butun dunyoning yetakchi davlatlari bilan hamkorlikda bo'lish, ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy sohadagi davlat siyosatining o'zaro manfaatli asosda bu davlatlar siyosatiga mos kelishi hisoblanadi. Globallashuv jarayoniga iqtisodiyotni erkinlashtirish, ilmiy-texnik taraqqiyotning tezlashishi, raqobatning kuchayishi va boshqa bir qator omillar ham xosdir. Zamonaviy jahon iqtisodiyoti uchun investitsion faollik va jahon iqtisodiyoti globallashuvining kuchayishi muhim ahamiyatga ega. Rivojlanayotgan mamlakatlar va bozor iqtisodiyotiga o'tish davrini boshidan kechirayotgan davlatlarning xalqaro mehnat taqsimotidagi roli ortib borayotganligi ham unga ijobiy ta'sir ko'rsatib bormoqda.

MDH davlatlarining paydo bo'lishi bilan xorijiy investorlarning investitsion faoliyatlarini amalga oshirishdagi yangi imkoniyatlar maydoni paydo bo'ldi. Shuni aytib o'tish kerakki, xorijiy investorlar bu masalada katta tajribaga ega hisoblanadi. Albatta bu masalaning bir tomoni bo'lsa, ikkinchi tomoni investisiyalar qabul qiluvchi (MDH) davlatlar uchun zamonaviy ishlab chiqarish



vositalarini qabul qilishdagi investitsion tanlov imkoniyati yaratildi. Bunga oddiy hol deb qarash kerak emas, chunki, investitsiyalar-iqtisodiyotni harakatga keltiruvchi, uni oldingi siljituvchi kuchdir.

Mamlakatni ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy rivojlanishida investitsiyalarining jumladan, xorijiy investitsiyalarning ahamiyati va roli juda kattadir. Ma'lumki, har qanday davlat dunyodan ajralgan holda jahon tajribalarini o'rganmasdan, dunyoning yetakchi davlatlari ilm, fan va texnika sohasida erishgan yutuqlarini qabul qilmasdan rivojlanishi mumkin emas. O'zbekiston iqtisodiyotida chuqur iqtisodiy islohatlar, tarkibiy o'zgarishlar amalga oshirilar ekan, xorijiy investitsiyalar rivojisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Ma'lumki xorijiy investitsiyalar iqtisodiy rivojlanish garovi, iqtisodiyotni harakatga keltiruvchi kuch hisoblanadi. Yaqin yillargacha faqat xom- ashyo mahsulotlarini ishlab chiqarishga ixtisoslashtirilgan O'zbekiston bugun dunyo xaritasida o'zining munosib o'rnni egallashga, boshqa taraqqiy topgan mamlakatlar avvalombor, AQSH, G'arbdagi demokratik davlatlar, sharqdagi Yaponiya, Koreya, Malayziya yoki shunga o'xshash davlatlarga teng bo'lishni o'z oldiga maqsad qilib qo'yari ekan, bunda birinchi galdagi chet el sarmoyalari, chet el investitsiyasi nihoyatda katta ahamiyatga ega. Ushbu davlatlarning tarixi shuni ko'rsatadiki, agar bu xorijiy malakatlarga sarmoya kelmasa, investitsiya kelmasa, hech qachon bu davlatlar bugungi rivojlanish darajasiga ko'tarila olmas edi.

O'zbekiston bugungi kunda yirik xorijiy investitsiyalarni qabul qiluvchi mamlakatlar qatoriga kirish uchun barcha iqtisodiy, siyosiy va huquqiy asoslarga ega. Ammo bu degani O'zbekistonda xorijiy investorlarni jalb qilish uchun barcha ishlar qilib bo'lindi, degani emas. Endigi navbatda bu asoslarga tayangan holda investitsiyalar jalb etishning mexanizmlarini takomillashtirish masalalari turadi.

Jahon tajribasi shuni anglatadiki, mamlakat iqtisodiyotida xorijiy investitsiyalarning tutgan o'rni, salmog'i mazkur davlatdagi investitsion muhitning qanchalik qulayligini belgilaydi. Bu muhit ko'p jihatdan xorijiy investitsiyalarga nisbatan davlat olib borayotgan siyosatini va tashqi iqtisodiy faoliyatining davlat tomonidan tartibga solishning xususiyatlari bilan baholanadi. Strategik investorlar ko'p miqdordagi mablag'larni birinchi navbatda iqtisodiyoti o'z ichki imkoniyatlari asosida barqaror va izchil ravishda rivojlanayotgan mamlakatga yo'naltiradi. Aynan shunday mamlakatlardagina qo'yilgan mablag'lar saqlanishiga va barqaror foyda olishga mo'ljallansa bo'ladi. Ichki va chet el investorlarini birinchi navbatda minimal darajadagi soliq imtiyozlari emas, balki biznesdagи keyingi qulay va maqbul istiqbollar qiziqtiradi.

Xorijiy investitsiyalar iqtisodiy jarayonlar hisoblanib, jahon bozori bilan o'zaro yaqin va to'liq bog'liqlikda bo'ladi. Shu nuqtai nazardan u ko'pgina iqtisodiy jarayonlarni o'zida qamrab oladi. Xorijiy investitsiyalar bozor munosabatlariga o'tayotgan mamlakatlar iqtisodiyotini tarkibiy qayta qurish sur'atlarini tezlashtirish imkonini beradi. Eng muhim yo'nalish sifatida xorijiy investitsiyalarni jalb etishni o'z ichiga olgan investitsiya faoliyatining jadallahushi bugungi kunda o'tish davrini boshidan kechirayotgan mamlakatlar uchun ayni muddao hisoblanadi. Xorijiy investitsiyalarni jalb etish u yoki bu mamlakatda olib borilayotgan siyosiy va ijtimoiy – iqtisodiy islohatlarga bevosita bog'liqidir.

### Adabiyotlar

1. “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi qonun. 2012 y.Qayumov R.I. Investisiy. Uchebnoe posobie –2010 g. Toshkent. TDIU: 510 b.
2. Raimjonova M.A. O'zbekistonda erkin iqtisodiy hududlarga investisiyalarni jalb qilishni faollashtirish. Iqt. fan. nom. ilm. dar. olish uchun yoz. diss. avtoref. – T.: «BMA»,2012.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 10 yanvardagi «Iqtisodiy rivojlanish sohasida davlat siyosatini amalga oshirish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-5621-son Farmoni.
4. “O'zbekiston Respublikasining 2021-2023 yillarga mo'ljallangan Investisiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PK-4937-son.
5. Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 18 maydagi “O'zbekiston Respublikasining to‘g‘ridan-to‘g‘ri investisiyalar jamg‘armasi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi420-sonli qarori.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investisiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-4300 sonli qarori.
7. “Innovatsiya: iqtisod va fan” iqtisodiy ilmiy-amaliy oylik nashr., T.: 2020yil.



## КЎЧМАС МУЛК СОЛИГИННИНГ НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.

**Тўлаков Улуғбек Тошмаматович**

Термиз давлат университети  
“Молия” кафедраси доценти, PhD  
e-mail: tulakov77@mail.ru

**Аннотация:** Кўчмас мулкни солиқка тортиш тадқиқотлари доирасида ўтказилган кўчмас мулкни солиқка тортишнинг концептуал ёндошувларининг таҳлили шуни кўрсатдики, иқтисодчилар ушбу мақсадлар учун тарихан солиқ солиш обьекти сифатида ер ва кўчмас мулк обьектларини ажратган. Шу билан бирга, кўчмас мулк обьектларига эгалик қилиш ёки ундан фойдаланишдан даромад олиш имконияти солиқ солиш учун асос бўлди. Ер ва бошқа кўчмас мулк обьектларига солиқ солишни ривожлантиришнинг фундаментал фоялари 18-асрнинг иккинчи ярмида кенг тарқалиб кетган турли хил иқтисодий мактаблар, шу жумладан француз иқтисодчилар мактабининг илмий асарларида, классик сиёсий иқтисод ва неоклассик иқтисодий назария мактаби таълимотларида ўз аксини топди.

**Калим сўзлар:** кўчмас мулк, кўчмас мулкни солиқка тортиш ёндашувлари, кадастр қиймати, бозор қиймати, маҳаллий бюджет, прогрессив солиқ.

Кўчмас мулкни солиқка тортиш ёндашувларини ишлаб чиқиши таҳлили кўчмас мулкка солиқ солиш обьекти сифатида хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқка тортиш тушунчаларини асослаш бўйича назарий ёндашувларни умумлаштиришга имкон берди. Кўчмас мулкни солиқка тортишда концептуал ёндашувларнинг асосий қоидалари 1-жадвалда келтирилган.

Физиократлар таълимотининг асосчиси Франсуа Кене (1694-1744) ер эгалигидан келадиган даромадларни ва мулкдорнинг уй ёки бошқа кўчмас мулкни ижарага беришдан оладиган даромадларини давлат харажатларини қоплашнинг асосий манбалари қаторига киритди. Шунингдек, Анн Роберт Жак Турго (1727-1781) эгаси шаҳар кўчмас мулкини ижарага беришдан олган даромадини давлат даромадининг манбаларидан бири сифатида ажратган. Франсуа Кененинг “Солиқлар” асаридаги эслатмаларида у ушбу суммалар мулк эгасининг соғ ва тўлиқ бўлмаган фойдасини таъкидлаган.

### 1-жадвал

#### Кўчмас мулкка солиқ солиш бўйича назарий ёндашувлар<sup>1</sup>

Кўчмас мулк обьекти	Фойдаланиш мақсади	Солиқка тортиш бўйича назарий ёндашувлар
<b>Даромадли кўчмас мулк</b>		
Ер участкаси	Тижорат	<ul style="list-style-type: none"> <li>- соғ қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматидан келиб чиқсан ҳолда солиқка тортиш (физиократлар);</li> <li>- ернинг яхшиланиш харажатларини ва бошланғич қийматини ҳисобга олган ҳолда солиқ ундириш (Д.Рикардо);</li> <li>- ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан келиб чиқсан ҳолда солиқка тортиш (Г.Жорж);</li> <li>- ҳисобланган ёки ҳақиқий рента асосида солиқ солиш (А.Смит)</li> </ul>
	Шаҳар ерлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- кўчмас мулк қийматидаги тақсимланмаган тушумни олиб қўйиш (Дж.Ст.Миль);</li> <li>- бинолар остида жойлашган ерларни солиқдан озод қилиш (А.Р.Ж.Турго)</li> </ul>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тайёрланди.



Кўчмас мулк объекти	Фойдаланиш мақсади	Солиққа тортиш бўйича назарий ёндашувлар
Бинолар ва бошқа капитал қурилиш лойиҳалари	Ижара	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ижара даромадларини олиб қўйиш (физиократлар);</li> <li>- қурилиш ва ер рентаси асосида солиққа тортиш (А.Смит);</li> <li>- ҳақиқатда олинган ёки мумкин бўлган ижара даромадидан келиб чиққан ҳолда солиқ солиши (Н.И.Тургенев)</li> </ul>
<b>Даромадсиз кўчмас мулк</b>		
	Турар жой	<ul style="list-style-type: none"> <li>- солик тўловчининг даромад даражасини ҳисобга олган ҳолда солиқ мажбуриятлари миқдорини аниқлаш (А.Р.Ж.Турго)</li> </ul>
Турар жойга мўлжалланган кўчмас мулк	Ҳашамат	<ul style="list-style-type: none"> <li>- уй-жойга бўлган асосий эҳтиёжни қондиришдан ошган обьектларни солиққа тортиш (Н.И.Тургенев, И.И.Янжул);</li> <li>- солиқ тўловчига тегишли кўчмас мулк обьектлари сонини ҳисобга олган ҳолда прогрессив солиқ солишини ўрнатиш (И.И.Янжул)</li> </ul>

Француз иқтисодчиси Пер Самюел Дюпон де Немур (1739–1817) Ф.Кенеғояларига содик қолган ҳолда қишлоқ хўжалигининг соф маҳсулотини давлат даромад манбаи сифатида ажратиб кўрсатди. Соф (ер) маҳсулот остида у келгуси йил дехқончилик харажатларини қоплаш ва асосий воситаларни керакли даражада ушлаб туриш учун зарур бўлган барча миқдорни йиғим-теримдан олиб қўйғандан кейин қолган мулкнинг қисмини назарда тутган. Шу билан бирга, ишлов беришни аста-секин йўқ қилишга олиб келадиган, экинларни етиштириш учун зарур бўлган маблағни олиб қўймаслик кераклигини таъкидлади.

Физиократлар сингари, 18-асрнинг буюк инглиз иқтисодчиси, унинг фаолияти билан иқтисодий фаннинг пайдо бўлишини боғлаш одат тусига кирган, Адам Смит (1723–1790) давлат харажатларини қоплаш манбалари орасида ер рентасини алоҳида ажратиб кўрсатди.

Кўчмас мулкни солиққа тортиш бўйича қарашларни янада ривожлантириш натижасида инглиз иқтисодчиси, классик сиёсий иқтисод мактабининг асосчиси Давид Рикардо (1772–1823), ишлаб чиқарувчининг ердан олган профицити нафақат унинг табиий хусусиятларига, балки физиократлар каби янада ўзгартирилган шаклига боғлиқ деса, А.Смит эса, балки мулкнинг жойлашишига ҳам боғлиқ деган хulosага келди. Бундан ташқари, Д.Рикардо табиий совғаларга эгалик қилиш натижасида ҳар қандай ортиқча нарсаларни олиш, агар уларнинг сони чекланмаган бўлса, уларни амалга ошириш мумкин эмаслигини таъкидлади. Д.Рикардо кўчмас мулкка солиқ солишининг таъсирини ерни ижарага бериш солиғи призмаси орқали таҳлил қилиш бўйича олиб борган изланишлари натижасида ҳар йили яхшиланган ер учун тўланадиган миқдорнинг фақат бир қисми тупроқнинг дастлабки ва бузилмас кучлари учун тўловларни ўз ичига олади. Ушбу маблағнинг қолган қисми ерни ободонлаштиришга сарфланган капиталдан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловдир деб таъкидлади.

Д.Рикардо ўзининг “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш принциплари” (1817) асарида таъкидлаганидек, аҳоли сонининг кўпайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ошишига ва натижада ривожланиши учун кўпроқ меҳнат талаб қилинадиган энг кам унумдор ерлардан фойдаланишга олиб келади, бу ерларни ривожлантириш учун талаб қилинадиган катта харажат эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг юқори нархида акс этади. Нархларнинг ошиши натижасида, унумдорлиги паст ер эгалари билан таққослаганда, уларнинг ривожланиши учун катта харажатларни талаб қилмайдиган энг унумдор ер эгаларининг даромадлари кўпаяди. Бундай даромад тупроқнинг бошланғич потенциалини (ёки тупроқнинг асл ва бузилмас кучини) акс эттиради ва ерни етиштиришнинг ҳақиқий харажатларини акс эттирмагани учун, Д.Рикардо бу даромад солиққа тортилиши керак деган хulosага келди.

Д.Рикардонинг ғояларига асосланиб, америкалик публицист ва сиёсатшунос Генри Жорж (1839-1897) ўзининг “Тараққиёт ва қашшоқлик” асарида (1879) чекланган ерларни ернинг асосий мулки деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, ернинг қиймати, унинг нуқтаи назарига кўра, унда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қиймати билан белгиланиши керак.



Ер рентаси табиат ва жамият томонидан белгиланади деган хulosага асосланиб, Г.Жорж ернинг қийматидан олинадиган ягона солиқни (аниқ иқтисодий рента) яратиш ғоясини илгари сурди. Кўчмас мулкни солиқка тортишдаги бундай ёндашув, унинг фикрига кўра, ерни янада самарали бошқаришга ёрдам беради, унинг қиймати урбанизация ва даромадларнинг тенг тақсимланиши натижасида ошади. Бундан ташқари, солиқнинг киритилиши натижасида ернинг нархи ва таклифи ўзгаришсиз қолиши сабабли солиқни белгилаш иқтисодиёт учун нейтрал бўлар эди.

Инглиз иқтисодчиси, иқтисодиётда неоклассик йўналишни асосчиси Алфред Маршалл (1842-1924) ҳам ердан келадиган даромад унинг ўзига хос хусусиятларига тегишли деб таъкидлаган. Унинг мулоҳазаларига асосланиб, А.Маршалл ердан келадиган даромадларнинг пайдо бўлиши, бир томондан, ер участкалари жойлашуви туфайли ерга хос бўлган ўзига хос фазилатлар билан, иккинчи томондан, инсон фаолияти туфайли ернинг доимий равишда яхшиланиши билан боғлик деган хulosага келди. Шунингдек, ер участкалари қийматининг вақт ўтиши билан эгалари томонидан меҳнат ва капитални сарф қилмасдан ўсишини сиёсий иқтисоднинг ривожланишига муҳим хисса қўшган британиялик файласуф, иқтисодчи ва сиёсий арбоб Джон Стюарт Милль (1806-1873) таъкидлади.

Шундай қилиб, иқтисодчиларнинг концептуал қоидаларига кўра, кўчмас мулкка солиқ солиши кўчмас мулқдан келадиган даромаднинг бир қисмини олиб қўйиш йўли билан амалга оширилиши керак.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кенэ, Ф. Физиократы. Избранные экономические произведения / Ф.Кенэ, А.Р.Тюрго, П.С.Дюпон де Немур. – М.: Эксмо, 2008. – 1200 с.
2. Смит, А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А. Смит. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.
3. Рикардо, Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное / Д. Рикардо. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.
4. Самуэльсон, Пол А. Экономика / Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. –18-е издание: пер. с англ. –М.: ООО «Вильямс», 2007. –1360 с.
5. Маршалл, А. Принципы экономической науки. / А. Маршалл. – М., Издательская группа «Прогресс», 1993. – 350 с.
6. Niyazmetov I., Voronin S., Koraboev B., Ugay D. (2021). Ways of property tax reform in the republic of Uzbekistan. Obshchestvo i ekonomika (3), pp.30-43 DOI: 10.31857/S020736760014257-1
7. Niyazmetov I., Voronin S., Koraboev B., Ugay D. (2021). International experince in real estate taxation. Obshchestvo i ekonomika (2), pp.119-130 DOI: 10.31857/S020736760013649-2
8. To‘lakov, U. T. (2021). Soliqlar va soliqqa tortish: O ‘quv qo ‘llanma/UT To ‘lakov, OT Maxmudov; SK Xudoqulov umumiy tahriri ostida. Termiz: TerDU nashr-matbaa markazi, 365.
9. Tulakov, U. T. (2021, October). Features of Real Estate Tax in Uzbekistan as a Developing Country. In " ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 214-220).
10. Tulakov, U. (2021, June). Radical reform of the labour payment system in Uzbekistan. In GCCSA-2021-6th Global Congress on Contemporary Sciences & Advancements.
11. To‘lakov U.T., (2021). Ko‘chmas mulkning kadastr va bozor qiymatlari o‘rtasidagi farq. Республика илмий-амалий 21-конференция тўплами, 68-72 б.
12. Тўлаков У.Т., (2021). Кўчмас мулк солиғи худудлар ривожланишининг ўзига хос «Абадий харакат машинаси». Республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28-31 б.
13. Тўлаков, У.Т., (2021). Ўзбекистонда ер солиғи ривожланиши истиқболлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 1(3), 355-366.
14. Тўлаков, У.Т., (2021). Мол-мулк солиғи ставкаларини белгилашнинг ўзига хос хусусиятлари. “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнали, 1(5), 286-297.
15. Toshmamatovich, T. U. (2021, April). The problems of determining the cadastre value of land in taxation of real estate. In Euro-Asia Conferences (Vol. 4, No. 1, pp. 96-99).



**БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИ**

**Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич**

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси катта ўқитувчиси

ТЕЛ: 90 644 74 77

**Аннотация:** Мазкур диссертацияда мамлакатимизда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини буғунги ҳолати, уни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг йўналишлари бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Шунингдек ушбу диссертацияда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг тизимининг назарий ва ҳуқуқий асослари, уларни ташкил этиш амалиёти, давлат бюджети харажатлар кисмининг таҳлили ҳамда бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини ривожлантириш юзасидан илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** бюджет харажатлари, аутсорсинг, бюджет ташкилоти, иқтисодий самарадорлик, аутсорсер, буюртмачи, хусусий сектор, овқатланиш тизими, давлат бюджети, кичик бизнес, бандлик, хизматлар, кишлоқ хўжалиги, овқатлантириш.

**Annotation:** In this dissertation, the current state of the operation of outsourcing in the implementation of budget expenditures in our country is highlighted the results of research in the areas of budget expenditures. The theoretical and legal basis of the outsourcing system in this dissertation, the practice of their organization, and the analysis of the state budget and budget expenditures provide practical proposals and practical proposals on the development of outsourcing services.

**Keywords:** budget expenditures, outsourcing, economic efficiency, economic efficiency, cursor, customer, maintaining system, state budget, employment, employment, services, agriculture, feeding.

**КИРИШ**

2020 йилнинг 7 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4913-сон “Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан «Давлат функциялари — бизнес учун имконият» лойиҳасини амалга оширилиши белгиланди. Лойиҳасида қўйидагилар назарда тутилиши белгилаб берилган:

давлат функцияларини аутсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуслар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида амалда мавжуд имкониятларни кенгайтириш;

тегишли ҳудудларда давлат функциялари ўтказилаётган соҳаларда етарли микдорда хусусий сектор субъектлари ташкил этилгунига қадар мазкур функцияларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши;

хусусий секторга ўтказилиши таклиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек, хусусий секторнинг тегишли таклифларини эълон қилиш ва муҳокамадан ўтказиш учун электрон майдонча фаолиятининг ишга туширилиши;

вазирлик ва идоралар кесимида хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларини таҳлил этиш механизmlарини йўлга қўйишга қаратилган давлат функцияларининг ягона реестри шакллантирилиши.

Президентимизнинг юқоридаги қарорлари ҳамда юқоридагиларни инобатга олиб айтишимиз мумкинки бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолиятини ривожлантириш хозирда мамлакат олдида турган энг долзарб масалалардан биридир.

**Асосий қисим:**

Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомда мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар қаторида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни аутсорсинг корхоналари жалб қилинмаган ҳолларда бевосита мактабгача таълим муассасалари томонидан ташкил этиш белгиланган. Шунга асосан Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби



тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилган ва бугунги кунда амалиётга тадбиқ этилган.

Ушбу низомда қуидагилар баён этилган:

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари;

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар;

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш;

Аутсорсернинг ҳукуқ ва мажбуриятлари;

Аутсорсер фаолиятини ташкил этиш;

Буюртмачининг ҳукуқ ва мажбуриятлари.

Низомга кўра муассасада аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришнинг мақсадлари қуидагилардан иборат:

тарбияланувчиларни тўлақонли соғлом овқатлантириш, соғлигини мустаҳкамлаш ва таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишни таъминлаш;

сифатли таомлар тайёрлаш орқали тарбияланувчиларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш;

таомларни истеъмол қилиш учун гигиеник талабларга мувофиқ шароитлар яратиш;

тарбияланувчиларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ соғлом овқатлантириш;

муассасалар раҳбарларини таълимга оид бўлмаган вазифалардан озод қилиш ва таълим самарадорлигини ошириш.

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг вазифалари этиб қуидагилар белгиланган:

тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда, уларнинг рационал овқатланишини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тарбияланувчиларнинг соғлом ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган зарур моддалар билан таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ҳамда сифатини кафолатлаш;

тарбияланувчиларда овқатланиш билан боғлиқ юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

тарбияланувчилар ўртасида тўғри овқатланиш қўнималарини шакллантириш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини сақлашда, ташишда санитария нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилиш.

Аутсорсинг тизими у айниқса овқатлантириш бўйича амалга оширилаётган бўлса аниқ белгиланган талаблар асосида ташкил этилиши лозим. Шунинг учун ҳам низомда аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар келтирилган бўлиб улар қуидагилардан иборат:

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари асосида амалга оширилади;

Тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида аутсорсер томонидан тузилган, ҳудудий давлат санитария-эпидемиология маркази ва мактабгача таълим бўлимини хабардор қилган ҳолда бир ойлик таомномалар асосида ташкил қилинади;

## ХУЛОСАЛАР

1. Бюджет ташкилоти аутсорсинг хизматлари истеъмолчисига айланиб ўзининг асосий фаолиятига эътибор қаратиш имкониятини оширади. Чунки аутсорсинг хизматлари бюджет ташкилотининг асосий бўлмаган фаолиятига тадбиқ этилади. Шу билан бирга аутсорсинг хизматларига мурожаат қилиш орқали бюджет ташкилоти маблағларни иқтисод қиласи чунки ишнинг бир қисмини аутсорсингга ўтказиш шу ишларни қилиш учун ходимларни сақлашдан арzonроқ бўлади;

2. Бюджет ташкилотларида аутсорсинг хизматидан фойдаланиш бўйича мамлакатимизда илмий тадқиқотлар деярли олиб борилмаган;

3. Бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизмати фаолияти Соғлиқни сақлаш соҳасидан ташқари бошқа вазирлик ва идораларда асосан овқатлантиришни ташкил этиш йўналишида йўлга қўйилган;

4. Бюджет харажатларини амалга оширишда аутсорсинг хизматидан фаолиятини баҳолаш



механизмлари яратилмаган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ВМҚ-506 (2020) “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 24 август.

2. ВМҚ-52 (2019) “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти шахсий таркибининг овқатланиш тизимини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”, 2019 йил 21 январ.

3. ВМҚ-323 (2019) “Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг тегишли бўлинмаларида шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”, 2019 йил 17 апрел.



ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ҒАЗНА  
ИЖРОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Курбонов Мухиддин Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси катта ўқитувчиси

ТЕЛ: 90 644 74 77

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур диссертация ишида Давлат бюджети Ғазна ижросини тахлил ва мониторинг қилиш тартибини такомиллаштириш, бюджет маблағлардан оқилона фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар баёни келтирилган. Унда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари амалиётида қўлланилаётган Ғазна ижросида бюджет маблағларининг сарфланиши устидан мониторинг қилиш юлларини такомиллаштириш, тахлил ва мониторинг қилиш турлари, шакллари ва самарадорлигини баҳолашни усуллари, шунингдек, илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Давлат бюджети, давлат бюджети ғазна ижроси, Ғазначилик тизими, Ғазначиликда назорат ва мониторинг, давлат харидлари, харидлар жараёни.

**ANNOTATION:** In this dissertation, a statement of researches on improving the procedure of analysis and monitoring of State Budget Treasury execution, rational use of budget funds is given. It contains scientific and practical proposals and recommendations for improvement of the ways of monitoring over the use of budget funds in the practice of many developed countries of the world, methods of analysis and evaluation of types, forms and effectiveness of monitoring.

**Key words:** State budget, state budget treasury execution, Treasury system, Treasury control and monitoring, state procurement, procurement process.

### КИРИШ.

Хозирги кунда Ўзбекистонда барча соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз бюджет маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таминлаш учун кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар.

Айни вактда Ўзбекистонда Давлат бюджети маблағларини касса ижросини амалга ошириш, бюджет ташкилоти шартномалари ва нақд пулларни бошқариш каби фаолият турлари айнан ғазначилик томонидан бажарилиб келинаётганини инобатга олсақ, Ўзбекистон Республикасида ғазначилик фаолиятини янада такомиллаштириш жараёнида назоратнинг устунликлари ва халқаро тажрибаларининг ижобий жихатларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратиш, ғазначилик операцияларини назорат қилишни такомиллаштириш, тахлил ва мониторинг қилиш тартибини янада такомиллаштиришнинг истиқболли юналишларини излаб топиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

### Таҳлил ва натижалар мұхоказаси.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими жуда қўплаб ривожланган мамлакатларда бюджет ижроси жараёнини тўлиқ автоматлаштириш яъни бюджет ижроси жараёнига информацион технологияларни тўлиқ жалб қилиш орқали кечадиган тизим хисобланади. У жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида мавжуд бўлишига қарамасдан уларнинг хеч бири бир-бирини айнан тақрорламайди.

Ғазначилик органлари иш фаолиятини бошқариш тизимини яхшилашни қўйидаги икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқ:

1) бошқарув тузилмасини соддалаштириш, таҳлил қилиш ва башорат қилиш усулларининг жорий этилишини назарда тутувчи бошқарув шакллари ва усулларини такомиллаштириш;

2) молиявий-иктисодий ахборотларга ишлов бериш учун АҚТни қўллаш йўли билан бошқарув шакллари ва усулларини мақбуллаштириш.

Ғазначилик тизими ўзгарувчан бўлиб, у доимий равишда ривожланиш ва модификацияланиб туриш хусусиятларига эга (А.С.Костюченко 2010).



Газначилик деб аталадиган органлар давлат молиясини бошқаришга тааллуқли турли вазифаларни бажарадилар. “Хукумат томонидан молиявий операцияларни бошқаришдаги унинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланган”<sup>1</sup>:

1. Давлат молиясини бошқариш.
2. Бюджетни ижро этиш.
3. Бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш.
4. Назорат қилиш ва баҳолаш.

Давлат молиясини бошқаришни ўзи турли йўналишларга эга:

- a) Накд маблағларни бошқариш.

Бюджет даромадларини ижросидаги бу фаолиятни йўналишлари қуидагилардан иборат:

- солиқларни ва бошқа тушумларни йиғиши;
- даромадларнинг тушумларини тушишини назорат қилиши;
- тушумларни йиғишида банк билан бўладиган муносабатларни амалга ошириш;
- давлат бошқарув органларининг турли даражалари ўртасида даромадларни тақсимлаш;
- ресурсларни тақсимлаш ёки лимитларни белгилаш;
- харажатларни молиялаштириш учун талабномаларни тасдиқлаш ва уларни тўлаш.

- b) Молиявий режалаштириш.

Давлат харажатларини молиялаштириш учун керак бўладиган ғазначиликнинг ягона ҳисобракамига тушадиган тушумларни тахминлаштиришни кўзда тутади.

- v) Давлат қарзларини бошқариш.

- g) Давлатнинг молиявий активлари устидан назорат қилиш.

Биз мазкур бобда давлат тузилиши турлича бўлган АҚШ, Франция, Австралия, каби мамлакатлар мисолида ғазначиликнинг функцияларини қандай тақсимланишини таҳлил қилиб кўрамиз.

Америка Кўшма Штатларида давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижросини амалга ошириш тизими билан қуидагт ташкилотлар шуғулланади.

### **ХУЛОСАЛАР:**

1. Электрон дўкон орқали харид қилиш жараёнида товар ва иш хизматларнинг тегишли бўлмаган харажат моддаларидан харид қилинганлик холатларини олдини олиш учун маҳсус платформада харажатлар моддалари танланиш холатини такомиллаштириш.

2. Танлов орқали ўтказиладиган давлат харидлари жараёнини тўлиқ автоматлаштирган холда инсон омили аралашувини тўлиқ бекор қилиш. Бунда танлов ғолибини дастурнинг ўзи автомат тарзда танлаш тизимини жорий этиш.

3. Бюджет ташкилоти бош ҳисобчиларининг давлат харидлари бўйича молиявий саводхонлигини ошириш учун семинар - тренингларнинг тез тез ташкил этиб турилиши.

### **Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.**

1.Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. 26 декабр 2013 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

2.Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 9 декабр.

3.Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида”ги қонун 2004 йил 26 август.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017йил.

2. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2016 йил.

1 Тереза Тер-Минасян, Педро П. Паренте, Педро Мартинес-Мендес. Создание казначейства в странах с переходной экономикой. МВФ. 1995г.



СОЛИҚ НАЗОРАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА  
АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Эргашев Уйғун Жабборович

Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси  
ТЕЛ: 998 93 791 00 07

**Аннотация:** Мазкур мақолада Республика давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада автоматлаштириш орқали солиққа оид назорат йўллари тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада мавзуга оид адабиётлар шарҳи ва айrim ҳукуқий жиҳатлари баён этилган. Бундан ташқари, солиқ назоратларни келиб чиқиш сабаблари, уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда АҚТ орқали олдини олиш имкониятлари ёритилган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида хулосалар шакллантирилиб, тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** солиқ назорати, ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базаси, интеграция, автоматлаштириш, солиқ тўловчилар, давлат солиқ хизмати.

**Annotation:** The article discusses ways to prevent tax offenses by automating the activities of the state tax service. It also provides an overview of the literature related to this topic and some legal aspects. In addition, the factors that influence the occurrence of tax offenses and the possibility of prevention them with ICT are highlighted. As a result of the study, conclusions were formed and appropriate scientific proposals and practical recommendations were developed.

**Keywords:** Tax offenses, information and communication technologies (ICT), databases, integration, automation, taxpayer, state tax service.

Мамлакатда солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлаш ва бозорда ҳалол рақобат муҳитини шакллантиришда самаравали солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ назоратининг самарадорлиги эса солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини тўлиқ қамраб олингандиги, солиқ мажбуриятлари ҳисобини тўғри ва аниқ юритилиши ҳамда солиқ назоратини муваффақиятли амалга оширилиши билан белгиланади. Иккисодий фаолият турлари ва шакллари кундан-кунга кенгайиб бораётган замонавий дунёда солиқ базасини тўлиқ қамраб олишини фақатгина ахборот-технологиялари ёрдамида, бизнес жараёнларни автоматлаштирган ҳолда амалга ошириш мумкин. Солиққа оид муносабатларни рақамлаштириш, идоралараро ўзаро электрон ахборот алмашишни кенгайтириш ва замонавий таҳлил механизмларини йўлга кўйилиши солиқ объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиққа оид ҳукуқбузарликларни олдини олишини таъминлайди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Сўнгги 5 йилликда солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш ҳолати энг кўп қайд этилмоқда. Ушбу ҳукуқбузарлик тури 2016 йилда 34.6 минг маротаба, 2017 йилда 45.7 минг маротаба қайд этилиб, 2018 йилда кескин камайган ҳолда 14.8 минг маротаба қайд этилган. Бироқ, 2019 йилда яна 3 баробарга ошибб, 48.8 минг маротаба содир этилган. 2020 йилда эса ушбу ҳукуқбузарлик турини қайд этиш 2 баробарга қискариб, 22.2 мингтани ташкил этган. Кейинги ўринда энг кўп қайд этилган ҳукуқбузарлик тури бу тўлов интизомининг бузилишидир.

Ушбу ҳукуқбузарлик тури 2016 йилда 18.4 минг маротаба, 2017 йилда 14.4 минг маротаба ва 2018 йилгача 10.3 минг маротаба кузатилган. 2019 йилда кескин ошибб, 34.3 мингтага етган ва 2020 йилда яна пасайиш кузатилиб, 13.6 минг маротаба қайд этилган.


Шунингдек, 2016-2020 йиллар давомида ўртacha йилига 12.1 мингта ҳолатда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмай фаолият юритиш ҳолати кузатилган. Ушбу ҳолатлар бир томонидан солиқ конунчилигига мувофиқ, солиқ тўловчига нисбатан маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради ва унинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатмай қолмайди. Иккинчи томонидан эса, солиқ тизими учун бюджет даромадларини шакллантириш жараёнига ва солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Хусусан, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтмай фаолият юритиш, ҳисббот кўрсаткичларини ҳақиқатдан фарқ қилиш, даромадларни яшириш каби ҳукуқбузарликлар нафақат солиқ тизими балки бутун иктиносидёт учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши турган гап. Яъни, бозордаги соғлом рақобат муҳитига путуретади, макроиктисодий



индикаторлар нотўғри баҳоланишига сабаб бўлади. Аксарият ривожланган давлатларда, хусусан Ўзбекистон Республикасида ҳам тадбиркорликни ташкил этиш жараёни электрон кўринишда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

**Қабул қилинган маълумотлар** менюсида ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларнинг номлари жойлашган.



Масалан: Туман (шаҳар) ҳокимлари бўйича **якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат реестри** танланганда қуидаги кўринишдаги ойна ҳосил бўлади.

### Таклифлар.

Юқоридаги таҳлиллар ва изланишлардан келиб чиқиб, қуидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Солиқ ва молиявий ҳисоботларни топшириш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва камайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашишни йўлга қўйиши. Яъни, солиқ органи ва банк ўртасида солиқ тўловчи ҳисобот даврида банк оборотига эга ёки эга эмаслиги бўйича ахборот алмашишни йўлга қўйиши лозим (амалда Банк сирига амал қилган ҳолда солиқ тўловчининг обороти суммаси эмас, фақатгина оборотга эгами ёки йўқлиги белгиси тақдим этилади). Ушбу маълумотдан келиб чиқиб, тегишли солиқ даврида банк айланмасини амалга оширган солиқ тўловчиларни айланмага тааллукли солиқлар бўйича ҳисобот топшириш мажбуриятидан озод этиш.

2. Солиқ ҳисоботини топшириш жараёнига ҳисобот бўйича ҳисобланган солиқ суммасини автомат тарзда солиқ тўловчининг банк ҳисобракамидан ундириш бўйича оферта жойлаштириш. Агар солиқ тўловчи ушбу офертани қабул қиласиган бўлса, унинг ҳисоб ракамидан солиқларни ундириш.

3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ресурс солиқлари бўйича ҳисобот топшириш жараёнини автоматлаштириш. Яъни, солиқ органи ва ресурс солиги обьектлари ҳисобини юритувчи ташкилотлар жумладан, Кадастрагентлиги, Сувсозкорхонаси кабита什килотлардан солиқ тўловчиларнинг обьектлари ва уларнинг микдори тўғрисида маълумотларни олиб, солиқ ҳисоботи билан интеграция қилиш.

### Адабиётлар:

1. Artemenko D.A., Aguzarova L.A., Aguzarova F.S., Porollo E.V. (2017) “Causes of Tax Risks and Ways to Reduce Them”. Pages 454-458.
2. OECD (2020), “Tax Administration 3.0: The Digital Transformation of Tax Administration”. Pages 10-24.
3. Кодекс (2019) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. / Code (2019) Tax Code of the Republic of Uzbekistan in the new edition.
4. Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6098-сон



## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ЖИЛОВЛАШДА СОЛИҚ СИЁСАТИ МЕХАНИЗМЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Эргашев Уйғун Жабборович

Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси

ТЕЛ: 998 93 791 00 07

**Аннотация.** Мазкур мақолада яширин иқтисодиёт кўлами кенгайиб боришининг салбий оқибатлари ёригилиб, норасмий секторга қарши Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусиятлари очиб берилган. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш учун хукумат, хусусий сектор ва жамоатчилик уртасидаги шериклик асосида яширин иқтисодиёт доирасида хатарларни бошқаришнинг халкаро стандартларга асосланган механизмини яратиши лозимлиги кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** норасмий иқтисодиёт, яширин иқтисодиёт, солиқлар, соликка тортиш, солик сиёсати

**Abstract:** This article highlights the negative consequences of the expansion of the shadow economy and the specifics of the measures taken in Uzbekistan against the informal sector. In order to further increase the effectiveness of ongoing reforms in this area, it is necessary to create a mechanism for risk management based on international standards within the shadow economy, based on partnership between the government, the private sector and the public.

**Key words and phrases:** informal economy, shadow economy, taxes, taxation, tax policy

### Кириш

Ўзбекистонга дунёнинг барча бошқа мамлакатлари сингари, 2020 йилда коронавирус пандемияси тарқалпши салбий таъсир кўрсатди. Пандемия оқибатларини юмшатиш учун давлат юмонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусай, инқизотга қарши жамгарма гашкил этилди. Коронавирусга қарши курашиш ақоли вабизиеси кўллаб-қуввачлаш чора-тадбирлари учуп давлаз бюджетидан 16 триллион сўмдан ортиқ маблаг ажратилди. Шу билан бирга давлат корхоналари ва беш юз мингдаи ортиқ хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, қарийб 8 миллион фуқарога солик имтиёzlари, шунингдек, қарзларин кайтариш муддатларини кечикириш тарзидаги жами 66 триллион сўм микдорида молиявий ёрдам кўрсатилди.

### Асосий қисим

Кабул килинган тизимли чора-тадбирлар COVID-19 нинг кенг тарқалишини олдини олди ва мамлакатда тинч ҳаёт ва барқарор иктиеодий ривожланиш давом этмоқда. Халкаро валюта жамгармаси ва халкаро рейтинг агентлнклари хисоб-китобларига кўра, Узбекистон иқтисодий ўсишнинг ижобий суръатларини сақлаб туришга муваффак бўлди.

Мамлакагимизниш барча гуманларида, шахарларида ва ҳар бир махалласида кам таъмилаиган онлалар, аёллар ва ёшлар билап мақсадли ишлашнинг янги тизими жорий этилди. Ушбу механизм туфайли қисқа вакт ичida 527 минг киши иш билан таъминланди.

Бупдан ташқари, ўз-ўзини иш билан банд бўлган ахолига солик имтиёzlари берилиши ва кўплаб чекловларнинг олиб ташланиши туфайли 500 минг кишининг копуний меҳнат фаолияти йўлга қўйилди.

2021 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнииг асосий мақсади қашшокликни камайтириш ва ахоли фаровонлигини оширишдир. Ушбу стратегик мақсадларга иқтисодий ўсишнинг юкори суръатлари ва ҳамма учун тенг имкониятлар яратиш орқали эришиш мумкин. Буларнинг барчаси бозорда тенг шароитлар яратиш ва замонавий технологиялар асосида ишлайдиган халол тадбиркорларни хар томонлама кўллаб-қувватлашга асосланади.

Бу эса мамлакатда яширин иқтисодиёт кўламипи қисқартиришни такозо этади. Маълумки иқтисодиётда норасмий сектор кўламининг кенгайиб бориши албагта давлат фискал манфаатларига зарар етказади ва шу орқали унинг ижтимоий хизматларни кўрсатиш кобилиятини заифлаштиради. Яширин иқтисодиёт адолатли жамият ва соғлом ракобат мухитини бузади. Норасмий бандлик, ижтимоий бадалларни тўламаслик фуқароларнинг кексалик чогидаги ижтимоий таъминотига путур етказади. Кенг таркалган норасмий иқтисодиёт жамиятда жиноятичиликни хам кучайтиради. Шу сабабли Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиётга қарши курашишда барча воситалар, шу жумладан фискал инструментлардан



кеиг фойдаланиш йўлидан борилмокда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг норасмий секторини қисқартириш борасида улкан ишлар қилинди. Шулардан энг асосийси, молия тизимида, жумладан бюджет-солик сиёсатида туб ўзгаришлар амалга оширилганлигидир. Хусусан. Узбекистан Ресспубликаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Реснубликасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида“ги Г1Ф-5468-сонли Фармони қабул килиниши билан 2019-2020 йилларда мамлакат соликтизимидаги жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди, уларнинг натижаси ўрта муддатли истикболда норасмий иқтисодиёт кўламининг кишваришига хизмат қилади. Соликқа оид ислохотлардаи энгасосийлари сифатида кўйидагиларни эътпроф этиш мумкип:

- турли хил самарасиз маҳсус солик режимларини бекор қилиш ҳисобига солиққа тортиш тизими нисбатан бирхиллаштирилди ва шу оркали умумбелгиланган (йирик бизнес) ва соддалаштирилган (кичик бизнес) солик режимлари бўйича солик юқидаги кескин фаркланиш кискартирилди;
- енгил солик режими (айланмадан соликни) кўллашда ишловчилар сони эмас. Йиллик тушум (оборот) микдори мезон сифатида киритилди;
- кўплаб соликлар жумладан ижтимоий инфрагузилма солиги. мақсадли жамғармаларга оборотдан ажратмалар бекор қилинди. шунингдек. соликлар (ягона солик, ягона ижтимоий тўлов) базасини аниқлашнинг энг кам меъёрлари олиб ташланди;
- жисмоний шахслар даромад солиғиниг кўп босқичли прогрессив ставкалари ўрнига бир босқичли иронорционал ставкаси жорий этилди;
- иш ҳақига соликлар (даромад солиги. ижтимоий солик), ККС ҳамда мол-мулк солиги ставкаларини кескин пасайтириш. шунингдек корхоналар мулк солиги обьекти таркибида факат кўчмас мулк обьектларини колднрпш оркали хўжалик субъектлари солик юки кескин камайтирилди.

Тадбиркорлик субъектларига солик юкининг умумий камайтирилиши, меҳнатга хак тўлаш билап боғлик соликларпинг кискартирилпшн Ўзбекистонда яширип иқтисодиётни жиловлаш ҳамда норасмий бандлик ва "конверт усули"да иш ҳаки тўлаш каби иллагларни маълум даражада чеклашда муҳим омил ҳисобланади.

### ХУЛОСАЛАР

Амалга оширилган чора-тадбирларга карамасдан мамлакатимизда хуфиёна иқтисодиётнинг улуши салмоклигига қолмоқда. Шу сабабли Узбекистон хукумати давлат, хусусий сектор ва жамоатчилик ўртасидаги шериклик асосида яширип иқтисодиёт доирасида хатарларни бошваришнинг халкаро стандартларга асосланган механизмини яратиши лозим. бунда кўйидаги стратегии вазифалар белгилаб олиниши максадга мувофик:

- давлат бошқарувида шаффоффлик. ҳисобдорлик. самарадорлик ва ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- яширин иқтисодиёт оқимини самарали назорат қилиш;
- солик маъмурчилиги тизимида рақамли технологияларни кенг ва чукур жорий этиш;
- даромад, истеъмол ва мулкии солиққа тортиш мсханизмларининг таъсирчан комбинациясини ишлаб чиқиши;
- адолагли ракобат. конуний тадбиркорлик ва бандликни рагбатлантириш чораларини кўриш;
- тадбиркорлар ва фукаролар учуй маъмурий ҳамда фискал юкни камайтириш;
- яширин иқтисодиётининг заарли таъсири ва окибатлари тўғрисида тарғиботни йўлга кўйиш;

солик фирибгарликлари ва соликдан бўйин товлаш холаглари тўғрисида ички ва халкаро маълумот алмашувини кучайтириш.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1) Ниязметов И.М. Узбекистон солик тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. -Т.: “Молия”, 2017. - 195 б.
- 2) Ниязметов И.М. Солик юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. -Т.: Молия, 2016. - 193 б.
- 3) Ниязметов И.М. Соликқа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солик тизими барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. -



Тошкент, 2018.

- 4) Aghion Philippe, Akcigit Ufuk, Cage Julia, Kerr William R. Taxation, corruption, and growth / European Economic Review, Volume 86, July 2016, P. 24-51
- 5) Monteiro, J. and J. Assuncao (2009), “Outgoing the shadows: estimating the impact of bureaucracy simplification and tax cut on formality and investment”, Journal of Development Economics, 99(1), 105-115,
- 6) [www.ie.ufrj.br/datacenterie/pdfs/seminarios/pesquisa/texto\\_05\\_09.pdf](http://www.ie.ufrj.br/datacenterie/pdfs/seminarios/pesquisa/texto_05_09.pdf)
- 7) ПФ-4947 (2017) Узбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Узбекистан Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.



## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Пардаев Файзулло Ғаффорович  
"Узагросервис" АЖ.  
Ички аудит хизмати бош мутахассиси.  
Тел: 998 90 326 09 44

**Аннотация:** Мазкур тадқиқотда республика давлат бюджети даромадларини шакиллантиришда солиқ органлари фаолиятини янада автоматлаштириш орқали солиқ назоратини такомиллаштириш йўллари ўрганиб чиқилган. Шунингдек, мавзуга оид адабиётлар шарҳи ва айрим ҳуқуқий жиҳатлари баён этилган. Давлат бюджети даромадларини шакиллантирилиши уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда дастурий маҳсулотларни такомиллаштириш орқали олдини олиш имкониятлари ёритилган. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида хulosалар шакиллантирилиб, тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Бюджет даромадлари, солиқка назорати, ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотлар базаси, интеграция, махаллий бюджет, солиқ тўловчилар, республика бюджети

**Annotation:** In this study, ways to improve tax control by further automating the activities of tax authorities in the formation of state budget revenues of the republic have been studied. Also, a literature review on the topic and some legal aspects are described. The factors affecting the formation of state budget revenues and the possibilities of prevention by improving software products are highlighted. As a result of the conducted research, conclusions were formed, appropriate scientific proposals and practical recommendations were developed.

**Keywords:** Budget revenues, tax control, information and communication technologies, database, integration, local budget, taxpayers, republican budget

### КИРИШ

**Давлат бюджети** – мамлакат иқтисодий ва ижтимоий соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи асосий воситадир. Унинг ёрдамида давлат миллий даромад ва бойликни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибини ўзгартириши, хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигига таъсир этиши, ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда давлат бюджети – давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги асосий воситасидир.

Давлат ўз функциясини бажариши чоғида кўплаб ҳаражатлар қилинади (сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларда қилинган ҳаражат гуруҳларига ажратиш мумкин). Ушбу ҳаражатларни қоплаш учун давлат бюджети даромад (соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар, давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар, мерос, хадя ҳуқуки бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилишдиган пул тушумлари, резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудалари, кредит линиялари ва чет давлатларга ажратилган кредитлар маблағларини қайтариш ҳисобига тўловлар, шунингдек улар бўйича фоизли тушумлар, қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлар) манбаларига эга бўлиб, уларнинг орасида соликдан келадиган даромад манбалари салмоқли ўрин эгаллади.

### Асосий қисим:

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ўсишига, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда соликлар асосий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.



Шу сабабли, амалга оширилаётган ишларда энг аввало самарали солиқ тизимини, тадбиркорларга солиқ юкининг teng тақсимланишини ҳамда солиқ тўловчилар сонининг оширилишини ва солиқларни яширувчи тадбиркорларни ўз вақтида аниқлаб, уларга солиқларни ҳисоблашини таъминлаш лозим.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг тутган ўрни ва аҳамияти ошириш учун аввало давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг назарий асослари, уларнинг турлари ва таркиби бўйича адабиётлар шархини амалга ошириш лозим бўлади.

4-жадвал

**Хоразм вилояти бўйича ВМнинг 445-сонли қарори ижросининг 2022 йил 1 январь ҳолатига мониторинг маълумоти<sup>2</sup>**  
**МИНГ.СҮМ**

Солиқ тури	Аниқланган қўшимча манбалар			Ундирилган қўшимча манбалар		
	Мулк қиймати/ майдони	солиқ тўловчилар	солиқ суммаси	Мулк қиймати/ майдони	солиқ тўловчилар	солиқ суммаси
<b>Мол-мулк солиги</b>	584 959 185	4 515	1 198 122	423 344 891	3 855	899 417
<b>Ер солиги</b>	6 228 396	3 782	783 034	4 906 708	3 782	783 034
<b>Якка тартибдаги тадбиркорлар</b>	-	4 938	9 664 632	-	4 078	7 020 822
<b>Умумовқатланиш корхоналари</b>	-	137	1 200 038	-	90	769 425
<b>Бозор ва савдо комплексларидан кўшимча хисобланган солиқ суммаси</b>	-	116	155 450	-	17	38 469
<b>Бошқа фаолиятлар бўйича қўшимча хисобланган солиқ суммаси</b>	-	310	327 895	-	103	110 106
<b>Жами</b>	<b>591 187 581</b>	<b>13 798</b>	<b>13 329 171</b>	<b>428 251 599</b>	<b>11 925</b>	<b>9 621 273</b>

Хоразм вилояти молия бошқармасининг ҳисоботи бўйича қўшимча солиқ базасини аниқлашда 2022 йил 1 январь ҳолатига 13 798 та солиқ тўловчилар аниқланган бўлиб умумий солиқ базаси 591 187 581 минг.сўмни ҳамда солиқ суммаси 13 329 171 минг.сўмни ташкил этиб ундирилган сумма 11 925 та солиқ тўловчидан 9 621 273 минг сўм давлат бюджетига йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори<sup>3</sup>нинг ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат ва маҳаллий бюджет даромадларини диверсификациялашда бир қатор ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг базавий йилда аниқланган қўшимча даромад манбаларидан қатъий назар, ўрта муддатли бюджеттага солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан ажратмалар нормаларини биринкириш, маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйиш ва лотереяларни ташкил этиш

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июнданги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон

2 Муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 29 июльдаги 445-сонли қарори.



хуқуқини бериш қўшимда даромад манбаларини шакллантириш имкониятларини беради. Натижаси сифатида бюджет даромадлари таркиби диверсификацияланади.

### ХУЛОСАЛАР

Давлат бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда албатта белгилаб олинадиган вазифалардан асосийси давлатнинг ҳақиқий солиқ потенциалини аниқлаштириб олишидир. Ҳозирги кунда давлатнинг ЯИМга нисбатан яширин иқтисодиёт улуши 40-50 фоизни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда солиқ базасини яна 40-50 фоизга қадар ошириш имкониятларига эга эканлигимизни таъкидлаш мумкин. Бунда, ушбу яширин иқтисодиётни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни жадаллаштириш давлат бюджети даромадларини ошириш имкониятларини яратади. ВМнинг 445-сонли қарори ижросини таъминлашда тегишли ваколатли органлар фаолиятини кучайтириш, иш самарадорлигини оширишда рағбатлантирувчи инструментлардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аниқланган қўшимча солиқ базаси ва ундирилган солиқ суммасидан келиб чиқсан ҳолда ходимларни рағбатлантириш жамғармаси ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий даромадлар базасини кенгайтиришда даромадларни диверсификациялаш амалиётини кенг жорий қилиш, бунда фақатгина солиқ базасини кенгайтириш билан чекланмасдан, қўшимча даромад олиш бўйича фаолият турларини аниқлаштириш, ҳудудий маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўллаб кувватлаш ҳамда бу фаолиятларни рағбатлантиришда тегишли бошқарув органларига мустақилликни бериш мақсаддага мувофиқдир.

Бундан ташқари, маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйиш хукукларини бериш

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 2020.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 2019.
3. Азимов С.С. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси. Молия ва банк иши электрон илмий журнали.в-сон. Сентябр-октябрь, 2019 йил
4. А.Усанов, Р.Джалилов “Солиқ сиёсати” журнали, “Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида Камерал назоратнинг тутган ўрни” УДК 336.225, 2019 йил.
5. Перм Давлат университети профессори Шешукова Т.Г.нинг «Экономика и бизнес» журналига берган “об использовании информации из внутренних и внешних источников при проведении налоговых проверок” номли мақоласи, 2016 й. 4 бет.



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎЗЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИНИ МАРКОВ ЗАНЖИРЛАРИ АСОСИДА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

Зарипова Мукаддас Джумаёзовна

Термиз давлат университети таянч докторант

E-mail: zaripovamuqaddas0407@gmail.com

### Аннотация

Мақолада олий таълим муассасалари талабалари ўзлаштириши натижаларининг бошлангич маълумотларига таянган ҳолда, уларнинг кейинги ютуқларини прогнозлаштириши жараёни кўриб чиқилган. Математик аппарат сифатида Марков занжисиридан фойдаланилган. Шунингдек, прогноз натижасида олинган маълумотлар ҳақиқий маълумотлар билан таққосланиб, илмий асосланган хулоса ва таклифлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** прогнозлаштириши, ўзлаштириши натижаларини прогнозлаштириши, ўзлаштириши натижалари ҳолати, Марков тасодиғий жараёнлари, Марков занжисири, “талаба ҳолати”.

### Abstract

The article examines the process of forecasting the further achievements of students of higher education institutions, based on the initial data of their mastery results. A Markov chain was used as a mathematical apparatus. Also, the data obtained as a result of the forecast are compared with the actual data, and scientifically based conclusions and suggestions are presented.

**Key words:** forecasting, forecasting of learning outcomes, status of learning outcomes, Markov random processes, Markov chain, "student status".

Замонавий бозор иқтисодиёти ва глобаллашув шароитларида олий таълим муассасалари (ОТМ) талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичларини прогнозлаштириш муаммолари бир қатор сабабларга кўра долзарбdir. Биринчидан, бўлажак малакали кадрлар ҳар қандай ташкилотни рақобатбардошлигини оширишга бевосита таъсир этувчи асосий манбаи ва ҳал килувчи омил ҳисобланади [1]. Иккинчидан, сифатли мутахассисларни тайёрлаш ҳар қандай таълим муассасасининг асосий вазифаларидан биридир [2]. Учинчидан, бошланғич курсларда ўқиш давомида билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдиришга имкон яратилади, натижада рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришилади [3]. Тўртинчидан, кўпгина ташқи омиллар таъсири остида талабаларнинг ўқув жараёнини бошқариш ташкилий жиҳатдан мураккаб вазифа бўлгани каби, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам мураккаб ҳисобланиб, тизимли ёндашувни ҳамда бошқарувнинг янги усул (услуб) ва моделларини ишлаб чиқишини тақозо этади [3-8].

Бу борада, айни вақтга қадар кўплаб, яъни ўқитиши натижаларини аниқлаш йўналишида турли тадқиқотлар ўтказилган ҳамда ўқув жараёнларини оптималлаштириш йўллари таклиф этилган [5-8]. Аммо таъкидлаш керакки, эрта босқичда ўқитишининг оптимал йўналишини танлаш учун таҳсил олаётган талабаларни гурухларга ажратган ҳолда, ҳолатини прогнозлаштиришга имкон берадиган, математик жиҳатдан аниқ тавсифланган услубиёт мавжуд эмас. Бундай услубиётни мавжудлиги талабаларни ўзлаштириши тўғрисидаги дастлабки маълумотларни қиёслаш орқали эрта босқичда таҳсил олувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлашга, ўқитилаётган фаннинг содда ёки мураккаблиги ҳамда ўқув жараёни сифатини таҳлил қилишга имкон беради.

Буни амалга ошириш учун математик аппарат сифатида дискрет ҳолатларга эга бўлган Марков жараёнларидан, яъни Марков занжирларидан фойдаланилди. Ҳақиқий маълумотлар сифатида, Термиз давлат университетининг бакалавриат 5130200 – “Амалий математика ва информатика” таълим йўналишини битирган (қабул йили – 2018-2019 ўқув



йили, тамомлаган йили – 2021-2022 ўқув йили) талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштириши тўғрисидаги маълумотлари олинди.

Талабаларнинг ҳар бир семестр натижаларига кўра бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш эҳтимолликлари матрицаси ретроспектив маълумотлар асосида тузилди. Тадқиқ этилаётган обьектда, ўзлаштириш кўрсаткичлари қўлланилаётган талабаларнинг умумий сони 56 нафарни ташкил қиласди.

Биринчи навбатда талабалар ўзлаштириш натижалари ҳолати рўйхати шакллантирилди. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги” низом [9] иловасида келтирилган “Баҳолашни 5 баҳолик шкаладан 100 баллик шкалага ўтказиш” жадвалига асосланган ҳолда, талабалар ўзлаштиришини баҳолаш тизимини 100 баллик шкаладан 5 баҳолик шкалага ўтказилди. Унга кўра, талабаларнинг ўзлаштириш ҳолатлари ( $T_1$ ,  $T_2$ ,  $T_3$  ва  $T_4$ ) қуйидаги кўринишида ифодаланди:

$T_1$  ҳолат,  $(4,50 (90) \leq \text{Ўртача баҳо} < 5,00 (100))$  – ҳолатга тушиш мезони;

$T_2$  ҳолат,  $(3,50 (70) \leq \text{Ўртача баҳо} < 4,45 (89))$  – ҳолатга тушиш мезони;

$T_3$  ҳолат,  $(3,00 (60) \leq \text{Ўртача баҳо} < 3,45 (69))$  – ҳолатга тушиш мезони;

$T_4$  ҳолат,  $(0 \leq \text{Ўртача баҳо} < 2,95 (59))$  – ҳолатга тушиш мезони.

Семестр натижаларига кўра, талабалар бир ҳолатдан иккинчисига ўтишлари ёки ўзгаришсиз, бирор-бир ҳолатга ўтмасдан аввалги ҳолатида ҳам қолиши мумкин. Талаба ҳолати деганда талабалар ўзлаштириш натижаларидан келиб чиқсан ҳолда гуруҳлар бўйича маълум тақсимланишини тушунамиз.

Кейинги қадамда талабаларнинг биринчи ўқув йили биринчи семестрдан кейинги ўзлаштириш натижалари асосида, уларнинг бошланғич ҳолатлари шакллантирилади. Талабани кейинги семестрдаги ҳолатини унинг факат ўтган семестрдаги ҳолатига боғлик деб ҳисоблаш зарур. Шунда талаба ҳолатини ўзгариш мазкур жараёни Марков занжири сифатида белгиланади.

Талабалар бошланғич ҳолатини шакллантириш учун қуйидаги маълумотларни ўз ичига жамлаган жадвални тузиш талаб этилади: талаба фамилия, исми, шарифи; якуний назоратлар учун тақдим этиладиган ўқув фанлари; ҳамда ҳар бир талабанинг якуний назоратдан кейинги натижалари. Ушбу тузиб олинган жадвалга асосан ҳар бир талабанинг ўртача баҳоси ҳисоблаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотларга таянган ҳолда ўртача баҳони маълум бир ҳолатга тушиш мезони сифатида қўллаб, ўртача баҳолар талабалар ўзлаштириш ҳолатларига ўғирилди (2-жадвал).

### 1-жадвал

Талабаларнинг барча семестрлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ўртача баҳоси, (лавҳа)<sup>1</sup>

№ т/р	Ф.И.Ш.	1- сем	2- сем.	3- сем.	4- сем.	5- сем.	6- сем.	7- сем.	8- сем.
		Ўртача баҳолар							
1	Абдишукуров М.Х.	3,20	3,50	4,60	4,30	4,10	4,55	4,14	3,83
2	Абраев Т.С.	3,00	3,00	3,10	3,20	3,30	3,45	3,29	3,17
...	...	...	...	...	...	...	...	...	...
55	Хайтов С.А.	3,00	3,13	3,40	3,80	3,40	3,55	3,86	3,83
56	Хидиров Т.Ф.	3,00	3,13	3,20	3,70	3,10	3,45	3,43	3,67

### 2-жадвал

Талабаларнинг барча семестрлар бўйича ўзлаштириш ҳолатлари, (лавҳа)<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Термиз давлат университетининг бакалавриат 5130200 – “Амалий математика ва информатика” таълим йўналиши рейтинг баҳоларининг жамғарма варакалари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>2</sup> 2-жадвал маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



№ т/р	Ф.И.Ш.	1- сем	2- сем.	3- сем.	4- сем.	5- сем.	6- сем.	7- сем.	8- сем.
		Ўртacha баҳолар							
1	Абдишукоров М.Х.	T <sub>3</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>1</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>1</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>2</sub>
2	Абраев Т.С.	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>
...	...	...	...	...	...	...	...	...	...
55	Хайтов С.А.	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>2</sub>
56	Хидиров Т.Ф.	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>2</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>3</sub>	T <sub>2</sub>

Талабалар ҳолатларининг бутун матрицаси 56 нафар талабанинг ҳолати ҳакида маълумотни ўз ичига олади. Талабаларнинг биринчи семестр якуни бўйича ҳолатлари бошланғич ҳолатлар сифатида қабул қилинди, яъни  $t = 0$ . Сўнгра, 2-жадвал асосида,  $t = 0$ ,  $t = 1$ ,  $t = 2$ ,  $t = 3$ ,  $t = 4$ ,  $t = 5$ ,  $t = 6$  ва  $t = 7$  вақт моментлари учун ҳар бир ҳолатдаги талабаларнинг умумий сони ҳисобланди.

### 3-жадвал

#### Талабаларнинг ҳар бир семестрдаги ҳар бир ўзлаштириш ҳолатлари бўйича умумий сони<sup>3</sup>

	1-сем.	2-сем.	3-сем.	4-сем.	5-сем.	6-сем.	7-сем.	8-сем.
M <sub>1</sub>	1	2	5	5	5	9	9	5
M <sub>2</sub>	4	11	32	39	28	28	33	28
M <sub>3</sub>	50	43	17	11	21	17	12	21
M <sub>4</sub>	1	0	2	1	2	2	2	2

Ҳар бир ўзлаштириш ҳолатидаги талабалар сони талабани маълум бир ҳолатга тушиш мезонига мувофиқ M<sub>1</sub>, M<sub>2</sub>, M<sub>3</sub>, M<sub>4</sub> белгилashi орқали белгилаб олинди. Ҳисобланган натижалар 3-жадвалда акс этган.

3-жадвалга кўра, ўрганилаётган тизим бошланғич  $t = 0$  вақт моментида ҳар бир элементи гуруҳдаги талабаларнинг мавжудлигини ўзида ифодаловчи вектор-устун кўринишида тавсифланади.

$$S_0 = \begin{bmatrix} T_1^0 \\ T_2^0 \\ \dots \\ T_n^0 \end{bmatrix}, \quad S_0 = \begin{bmatrix} 1 \\ 4 \\ 50 \\ 1 \end{bmatrix}.$$

Умумий ҳолатда эса, тизим - ҳар бир элементи тегишли ўқув йилидан кейин гуруҳдаги талабаларнинг мавжудлигини ўзида акс этувчи қуйидаги вектор-устун кўринишида ифодаланади.

$$S_k = \begin{bmatrix} T_1^k \\ T_2^k \\ \dots \\ T_n^k \end{bmatrix}.$$

Бундан кўринадики, бошланғич  $t = 0$  вақт моментини S<sub>0</sub> деб белгилаб олиниб, у тизимни биринчи ўқув йили биринчи семестрдан кейинги ҳолатини,  $t = 7$  вақт моменти эса S<sub>7</sub> деб белгилаб олиниб тизимни тўртинчи (якуний) ўқув йили иккинчи семестрдан кейинги ҳолатини англатади. Ишда белгиланган 8 семестрлик ўқитиш тизими Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 2-боб (Таълим тизими, турлари ва шакллари), 11-моддаси (Олий таълим)да келтирилган “бакалавриат” тўғрисидаги

<sup>3</sup> 3-жадвал маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



тушунчага мувофиқдир [10].

Вектор-устун кўринишида ифодаланган тизимда,  $T_i^k$  - (k+1) семестрдан кейин  $i$ -нчи гурухга кирган талабалар сонини билдиради. Шунингдек, ушбу ифодаланган тизимда ва бундан кейин кўриладиган босқичларда талабалар ўтиш матрицаси  $A_{0k}$  деб, ҳар бир  $a_{ij}$  элементи (k+1) семестрдан сўнг  $i$ -нчи гурухдан  $j$ -нчи гурухга ўтган талабалар сонини ифодалайдиган матрица тушунилади. Бундан ташқари тизимнинг ўтиш матрицаси деб, ушбу тизимнинг барча ўтиш эҳтимолликларини ўз ичига олган матрицага айтилади. Марков тенглиги  $n$  қадамлардаги  $P_n$  ўтиш матрицасини, 1 қадамдаги ўтиш матрицаси  $P_1$  билан боғлайди:

$$P_n = P_1^n \quad (1)$$

Ўтиш эҳтимоли  $p_{ij}$  деб, ( $k-1$ )-нчи қадамда тизим  $S_i$  ҳолатда бўлиши лозимлиги шарти бажарилган тақдирда, тизимни  $k$ -нчи қадамда  $S_j$  ҳолатга ўтишининг шартли эҳтимоллигига айтилади. Тизимнинг ўтиш матрицаси элементлари статистик эҳтимоллик формуласи  $P_{0k}$  билан аниқланади. Ҳодисанинг статистик эҳтимоли деб, ушбу ҳодиса содир бўлган синовлар сонининг синовлар умумий сони нисбатига айтилади. Ушбу тадқиқ этилаётган масалага нисбатан кўлланилиш жиҳатидан статистик эҳтимоллик формуласи қўйидаги кўринишга эга:

$$P_{ij} = \frac{a_{ij}}{T_i^k} \quad (2)$$

бу ерда  $a_{ij}$  - ( $k+1$ )-нчи семестрдан кейин  $i$ -нчи гурухдан  $j$ -нчи гурухга ўтган талабалар сони,  $T_i^k$  - ( $k+1$ )-нчи семестрдан кейин  $i$ -нчи гурухга кирган талабалар сони.

3-жадвал маълумотларини қўллаган ҳолда талабалар  $A_{01}$  ўтиш матрицасини тузиб олинди.

$$S_0 = \begin{bmatrix} T_1^0 \\ T_2^0 \\ \dots \\ T_n^0 \end{bmatrix}, \quad A_{01} = \begin{bmatrix} a_{11}^{01} & a_{12}^{01} & \dots & a_{1n}^{01} \\ a_{21}^{01} & a_{22}^{01} & \dots & a_{2n}^{01} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1}^{01} & a_{n2}^{01} & \dots & a_{nn}^{01} \end{bmatrix}, \quad S_0 = \begin{bmatrix} 1 \\ 4 \\ 50 \\ 1 \end{bmatrix}, \quad A_{01} = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 1 & 3 & 0 & 0 \\ 0 & 8 & 42 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \end{bmatrix}.$$

бу ерда  $T_i^0$  - биринчи ўқув йилининг биринчи семестридан кейин  $i$ -нчи гурухга кирган талабалар сони,  $a_{ij}$  – биринчи ўқув йилининг иккинчи семестридан кейин  $i$ -нчи гурухдан  $j$ -нчи гурухга ўтган талабалар сони.

Кейинги қадам,  $P_{01}$  ўтиш эҳтимолларини матрицасини тузиш бўлиб, матрицанинг элементи (2) формула ёрдамида аниқланади.

$$P_{ij} = \frac{a_{ij}}{T_i^0} \quad (3)$$

бу ерда  $a_{ij}$  – биринчи ўқув йилининг иккинчи семестридан кейин  $i$ -нчи гурухдан  $j$ -нчи гурухга ўтган талабалар сони;  $T_i^0$  - биринчи ўқув йилининг биринчи семестридан кейин  $i$ -нчи гурухга кирган талабалар сони.

Ўтиш эҳтимолларини матрицасини тузишда вектор-устун ва талабалар  $A_{01}$  ўтиш матрицаси элементларидан фойдаланилди. Натижада, ўтиш эҳтимолларини матрицаси  $P_{01}$  қўйидаги кўринишга эга бўлди.

$$S_0 = \begin{bmatrix} 1 \\ 4 \\ 50 \\ 1 \end{bmatrix}, \quad A_{01} = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 1 & 3 & 0 & 0 \\ 0 & 8 & 42 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \end{bmatrix}, \quad P_{01} = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0,25 & 0,75 & 0 & 0 \\ 0 & 0,16 & 0,84 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \end{bmatrix}.$$



Кейинги қадам, Марков тенглигидан фойдаланган ҳолда, икки қадам билан бошланғич  $S_0$  вақт моментидан  $S_2$  вақт моментига  $P_{02}$  ўтиш эҳтимолликлари матрицасини аниқлаш ҳисобланади. Марков тенглигини (1) қўллаш орқали, қўйидаги формулага эришилди:

$$P_{02} = (P_{01})^2 \quad (4)$$

Бу эса ўз навбатида,  $(P_{01})^2 = P_{01} \cdot P_{01}$  эканлигини англатади, яъни ушбу жараён икки матрицани кўпайтириш орқали амалга оширилади.

$$(P_{01})^2 = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0,4375 & 0,5625 & 0 & 0 \\ 0,04 & 0,2544 & 0,7056 & 0 \\ 0 & 0,16 & 0,84 & 0 \end{bmatrix}$$

Сўнгра, талабаларнинг бошланғич  $S_0$  вақт моментидан  $S_2$  вақт моментига ўтиш матрицасини  $A_{02}$  ҳосил қилиш учун ўтиш эҳтимолликлари матрицаси  $P_{02}$  элементларини бошланғич  $S_0$  вақт моментидаги вектор-устуннинг мос келувчи элементларига кетма-кет тарзда кўпайтириш талаб этилади. Унинг формуласи қўйидаги тарзда ифодаланади:

$$a_{ij}^{02} = P_{ij}^{02} \cdot T_i^0 \quad (5)$$

(5) формулани қўллаган ҳолда  $A_{02}$  ўтиш матрицаси тузилди.

$$S_0 = \begin{bmatrix} 1 \\ 4 \\ 50 \\ 1 \end{bmatrix}, \quad P_{02} = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0,4375 & 0,5625 & 0 & 0 \\ 0,04 & 0,2544 & 0,7056 & 0 \\ 0 & 0,16 & 0,84 & 0 \end{bmatrix}, \quad A_{02} = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 1,75 & 2,25 & 0 & 0 \\ 2 & 12,72 & 35,28 & 0 \\ 0 & 0,16 & 0,84 & 0 \end{bmatrix}. \quad A_{02} = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 2 & 2 & 0 & 0 \\ 2 & 13 & 35 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \end{bmatrix}$$

Олинган натижалар бутун сонгача яхлитланди.  $A_{02}$  ўтиш матрицаси элементлари маълум бўлгандан сўнг, иккинчи ўқув йилининг биринчи семестр, яъни учинчи семестр якунидан кейинги ҳар бир гуруҳдаги талабалар сонини (6) формула ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$T_j^2 = \sum_{i=1}^n a_{ij}^{02} \quad (6)$$

Ҳисоблаб чиқилган қийматлар  $S_2$  вектор-устунга ёзиб қўйилади. Натижада,  $S_2$  вектор-устуннинг ҳар бир қиймати, яъни  $t = 2$  вақт моментига ( $S_2$  - у тизимни иккинчи ўқув йилининг биринчи семестрдан кейинги ҳолати, яъни 3 семестр)  $i$ -гуруҳдан  $j$ -гуруҳга ўтган ҳар бир ўзлаштириш ҳолатидаги талабаларнинг прогнозлаштирилаётган сонини кўрсатади.

$$S_2 = \begin{bmatrix} T_1^2 = \sum_i a_{i1}^{02} \\ T_2^2 = \sum_i a_{i2}^{02} \\ \vdots \\ T_n^2 = \sum_i a_{in}^{02} \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} T_1^2 = a_{11}^{02} + a_{21}^{02} + \cdots + a_{n1}^{02} \\ T_2^2 = a_{12}^{02} + a_{22}^{02} + \cdots + a_{n2}^{02} \\ \vdots \\ T_n^2 = a_{1n}^{02} + a_{2n}^{02} + \cdots + a_{nn}^{02} \end{bmatrix} \Rightarrow \begin{bmatrix} 5 \\ 15 \\ 36 \\ 0 \end{bmatrix}$$

Кейинги қадамда, 3-жадвалдаги маълумотларга асосланган ҳолда,  $S_2^{hag}$  вектор-устуни тузилди.

$$S_2 = \begin{bmatrix} 5 \\ 15 \\ 36 \\ 0 \end{bmatrix}, \quad S_2^{hag} = \begin{bmatrix} 5 \\ 32 \\ 17 \\ 2 \end{bmatrix}.$$

Талабаларнинг қолган барча семестрлар учун ҳар бир ўзлаштириш ҳолатлари бўйича сонини прогнозлаштиришда юқоридаги каби ҳисоблашлар кетма-кет тарзда амалга



оширилди. Фақат: ҳар бир семестр учун ўтиш эҳтимолликлари матрицаси элементлари бошланғич  $S_0$  ( $t=0$ ) вақт моментидан вақтнинг ҳар бир моментига қадамлар кетма-кетлигини ошиб бориш тартибида ( $S_3$  ( $t=3$ ) га 3 қадам,  $S_4$  ( $t=4$ ) га 4 қадам ва ҳоказо) аниқланди ва ўтиш матрицалари тузилди. Ҳар бир семестр якуни бўйича ҳар бир гуруҳдаги талабалар сони аниқланиб, олинган натижалар тегишли ( $S_3$ ,  $S_4$ ,  $S_5$ ,  $S_6$ ,  $S_7$ ) вектор-устунларга ёзилди. Шунингдек, 3-жадвалда келтирилган ҳақиқий маълумотлар асосида  $S_3^{haq}$ ,  $S_4^{haq}$ ,  $S_5^{haq}$ ,  $S_6^{haq}$ ,  $S_7^{haq}$  вектор-устунлар тузилди. Барча семестрлар учун ҳисоб-китоб натижалари асосида тузилган ҳар бир гуруҳ ўзлаштириши ҳолатлари бўйича талабалар сонининг вектор-устунлари ва ҳақиқий маълумотлар асосида тузилган матрица устунлардаги фарқни аниқлаш векторлар фарқи формуласи ёрдамида амалга оширилди ҳамда таққослаш учун жадвалга киритилди.

Векторлар фарқини аниқлаш формуласи:

$$D_k = S_k^{haq} - S_k. \quad (7)$$

бу ерда  $S_k^{haq}$  - ҳар бир гуруҳ ўзлаштириши ҳолатлари бўйича талабалар сонининг ҳақиқий маълумотлари асосида тузилган вектор-устунлар;  $S_k$  - ҳар бир гуруҳ ўзлаштириши ҳолатлари бўйича талабалар сонининг прогнозлаштирилган вектор-устунлари.

Натижада, Термиз давлат университети “Амалий математика ва информатика” бакалавриат таълим йўналишини 2018-2019/ 2021-2022 ўкув йилларида битирган талабаларнинг таълим олиш йиллари давомида, ҳар бир семестрлар якуни бўйича ўзлаштириш ҳолатларини гуруҳларга тақсимлаш прогноз натижалари, ҳақиқий маълумотлардан сезиларли даражада фарқ қилди. Аммо, бу фарқ прогноз натижалари аҳамиятлиларини йўқотмайди. Балки, ушбу натижа олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқитиши ўзлаштиришларини прогнозлаштиришда Марков занжирлари бутун аппаратларидан фойдаланишга имконият борлигини билдиради. Шунингдек, талабалар ўзлаштириш ҳолатларини прогнозлаштириш жараёни бўйича ишлаб чиқилган услубиёт, олий таълим муассасаларига энди юзага келадиган (фақат содир бўладиган) ўзгаришларни прогноз қилиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, ушбу ўзгаришларга таъсир этиш ва рўй бериши мумкин бўлган ҳодисалар (масалан:  $T_1$  ўзлаштириш ҳолатидаги талабалар сонини камайиб кетиши;  $T_3$  ва  $T_4$  ўзлаштириш ҳолатидаги талабалар сонини ошиб кетиши) бўйича чора-тадбирлар режасини (ўқитиши сифатини ошириш, таълим бериш технологияларини ўзгаришиш, мутахассислик фанлари бўйича ўқув машғулотларини олиб бориш учун тажрибали ва малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш ва ҳоказо) олдиндан ишлаб чиқиш имконияти борлигини англатади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зарипова М.Д. Компетентлик ёндашуви асосида таълим сифатини таъминлаш ва уни баҳолашнинг математик методлари // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива: - 2020, - №3 (2), - Б. 94-100.
2. Zaripova M.D. Algorithmic model of student knowledge control // Actual Problems of modern Science, Education and Training. – 2020. - №4. – Р. 46–51. <http://khorezmscience.uz/uz>
3. Зарипова, М. Олий таълим муассасаларида таълим сифат ва самарадорлигини корреляцион-регрессион таҳлил ёрдамида ошириш // Экономика и образование. – 2021. - №5. - С. 269-276.
4. Xatamov Ochildi Qurbanovich and Zaripova Mukaddas Djumayozovna 2021. Correlation-regression analysis - as a means of improving the quality and efficiency of the education system in higher education institution. European Scholar Journal. 2, 5 (May 2021), 88-95. DOI:<https://doi.org/10.17605/OSF.IO/Q3UJ4>.



5. Ляликова В.И., Хацкевич Г.А. Прогнозирование успешности обучения студентов в вузе на основании данных вступительных испытаний. <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/52067/1/68-72.pdf>
6. Сосницкий В.Н., Потанин Н.И. Вероятностный подход к анализу успеваемости студентов // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 8-3. – С. 734-738.
7. Шевченко В.А. «Прогнозирование успеваемости студентов на основе методов кластерного анализа» // Вісник Харківського національного автомобільно-дорожнього університету, №. 68, 2015, стр. 15-18.
8. Харитонов ИМ., Крушель Е.Г., Привалов О.О., Степанченко И.В. и Степанченко О.В. «Прогнозирование качества обучения в вузе с помощью методов регрессионного анализа» // Известия Санкт-Петербургского государственного технологического института (технического университета), №. 56, 2021, стр. 72-80.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат килиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи // Тошкент, 2018 йил 9 август, 19-2018-сон. <https://lex.uz/ru/docs/3916793>.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни // Тошкент, 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон. <https://lex.uz/docs/5013007>

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-КИСМ**

**Масъул мухаррир: Файзиев Шоҳруд Фармонович  
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович  
Саҳифаловчи: Шахрам Файзисв**

Эълон қилиш муддати: 30.09.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000